O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2016-yil 26-fevral №9 (4356)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2016 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг одамзоднинг табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашида, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1.2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2.Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини, унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шунингдек, профессионал ва истеъдодли эстрада ижрочиларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3.Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4.Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5.Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 19 февраль

ЎзА олган сурат.

"Ҳар баҳорда шу бўлар такрор..."

ЗУЛФИЯ, Ўзбекистон халқ шоири

ТОНГ СУРАТИ

Мендан бошланади уйда уйғониш,
Зеро, уйқу нима билмаган жонман.
Менга жуда мушкул яшашдан қониш,
Сафардан бир нафас тинмас карвонман.

Тонг сувратин чизмоқ бўламан ҳамон,
Юрак тўлқинига етмайди ранглар.
Табиат нақ шу кун туғилгансимон,
Ҳар гал ҳаммаёқда янги жаранглар...

Ё Раб!
Тўп-тўп... Бу не мўъжиза, рўё,
Томирларда сездим баҳорги ирмоқ.
Ҳаёт ибтидоси каби бу садо,
Наҳот, бўлди тандан чарчовни қувмоқ.

Ўтирилиб қарайман:
Маъсум мўъжиза:
Бу — менинг набирам!
Бошлабди қадам.
Мисли шўх айиқча, полапон, жўжа —
Овдир-довдир йўлин бошларкан одам.

Лапанглаб одимлар... борлиғи журъат,
Нақ пағ булутга тушар оёқлар.

Кўнгил минтақаси

Мурғак, муштдай жонда бир ҳаёт, қудрат,
Тонг рангда шафтоли, момиқ ёноқлар,
Оғзи, кўзларидай очиқ кенг қулоч,
Набирам қадамлар
Ёш дорбозсимон.

Лангардай елпийди икки қўлини.
Аср! Қопқаларинг борлигича оч,
Бу кекса заминда яна бир инсон
Тонг билан бошлабди буюк Йўлини.

Билмайман!
Бу нотинч она жаҳонда
Шу тонг йўлга кирди не сон минг гўдак?
Кимнингдир илк йўли йўқолди қонда,
Ёт, изғиқ мудҳиш ўқ этди жувонмарг.

Менинг набирам-са кекса дунё-ла
Тиллашмоқни бошлар қушдай ҳижжалаб.
Гўдак, тонг — ибтидо асл маъно-ла
Бизлардан ҳимоя,
фаросат талаб...

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БАҲОР

Баҳор бу гал ҳар йилгидан эрта келди. Шоирлар қофияларига қор тополмай, унга интиқ бўлиб, ёғиб қолармикан, дея тонгни куттунларича у ёғи Термиз, бу ёғи Тошкентда бир кечанинг ўзидаёқ бодом ва ўриклар қийғос гулга кирди. "Қори ҳам, ёмғири ҳам Худодан", дейди кексаларимиз. "Қишини берган, баҳорини ҳам беради", дея момолар яхши ният қилишади.

Эл-улус, бутун юрт, мамлакат баҳорий орзу-умидлар, сурур ва ниятлар оғушида кўклам бизга насиб этаётган яхши кунлар, байрам ва қувончлар тараддудида. Тонг саҳарда Бахмал қирларида очилаётган, илдиз ёраётган бойчечак ва қўзигулларнинг жаранги юлдузларга қадар эшитилади. Тўлин оймомо билан бобо офтоб ўз олтин лаганларида бутун одамзод аҳлига ризқу насиба олиб келаётгандай. Ўғил-қиз, кексаю ёш, кўчат ё дарахт, кўча ва ёинки бино-иморат борки — жозиб кунлар, тириклик таровати ила чулғанган.

Тириклик баҳори. Она юрт баҳори. Истиқлолимизнинг йигирма бешинчи баҳори. Борлигимиз, ҳаёту тақдиримизни белгилаб берган кенг қамровли залворли сўзлар: **"Ким эдигу ким бўлдик"**. Бу тарихий сўзлар ҳаводан олиб айтилмаган. Уларда халқ, Ватан тақдири мужассам. Элнинг юраги, шу азиз тупроқнинг қон томирлари уйғоқ уриб турган бу табаррук ҳикматнинг барча изтиробларию қувончларини биз ўз юрагимиздан, жон-жонимиздан ўтказиб, ҳеч кимдан муттаҳам бўлмай, ҳеч кимнинг олдида елкамиз қисинмай йигирма бешинчи баҳорга қадам қўймоқдамиз. Жаҳон айвонида озод юртимиз байроғининг ўз мақоми ва ўрни бор.

Ҳаёт нафаси

Йигирма бешинчи баҳор. Йигирма беш йил бурун...

Давлатимиз раҳбарининг бундан йигирма беш йил бурун айтган, **"Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"** китобига киритилган **"Мустақиллик — энг аввало, халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигидир"** маърузасида ўқиймиз: **"Ғурури бор одамнинг қадди рост, боши баланд бўлади. Олдимизда турган улкан, жуда оғир вазифаларни бажариш, муаммоларни ечиш, катта синовлардан ўтиш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг руҳини, миллий ғурурини тиклаш билан боғлиқдир.**

Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтар экан, авваламбор мана шундай масалаларни ечишда ўзини кўрсатиши керак. Четдан келиб халқимиз тақдирини ҳеч ким ҳал қилмасин".

Биз ана шундай хавотир ва ишончлардан ўтиб келдик. Азму шижоатимиз боис, қатъий ва мардона тутган йўлимиз туфайли меҳнату синовлардан ҳайиқмай ўз мустақил давлатимизни барпо этдик. Янада каттароқ, улуғвор ишлар балоғат ёши, камолот палласидан бошланади. Баҳор ва Наврўз шукуҳи, улуғ ниятлару мақсадлар саодати муборак бўлсин, азиз ватандошлар. Бахту толеимизнинг йигирма бешинчи баҳори ҳаммамиз учун қутлуғ келсин!

Таҳририят.

Устозлар ибрати



Абдулла ҚАҲҲОР:

"Шарқ юлдузи"да босилган "Тўлқинлар" повестингизни ўқидим. Повесть яхши таассурот қолдирди. Маъмуржонни бошда табассум билан тасвир этасиз. Бутун асар давомида қисқаликка интиласиз. Ёзувчиликда кўзингиз очилиб келаётгани кўриниб турибди. Назаримда, повестнинг номи тўғри эмас..."

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ:

"Университетнинг тўртинчи курсида ўқиб юрганимда Абдулла Қаҳҳордан хат олдим. Кўп дўстларим хатни кўриб, ҳаяжонга тушишди. Айрим домлаларим мени табриклашди. Лекин мен қандайдир ҳайронлик ичида юрдим: "Ўзлари шу ерда — Тошкентда яшасалар, нега хат ёзадилар?" деб ўйлардим баъзан... Баъзан ўша хатни қайта-қайта ўқиб: "Жавоб ёзсаммикан?" дердим-да, беихтиёр кулимсирардим..."

БИЛДИРИШ

2016 йилнинг 4 март жума куни соат 11:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

"БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ"

мавзусида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган баҳор мушоираси бўлади. Шоиралар, ёзувчилар, ёш ижодкорлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

ГУВАЛАКНИНГ ПОЛВОН ҚИЗЛАРИ

Ҳа, алпларнинг онаси ҳам оддий, мунис бир аёл бўлган. Дунё тан олган ботир эрларни, Алпомиш мисоли полвон шерларни оддийгина аёл дунёга келтирган. Алп энадан дегани шундандир балки.

Аёл яратувчи, нур таратгувчи хилқат. Икки олам бешигига бош уриб келажак яратади. Ахир, миллат яратмоқ ҳазилакам гапмас. Тарихий маълумотларга қараганда, Соҳибқирон бобомиз ҳам онаси, аёл ва келин, қизларини ардоқлаган, уларнинг соғлиғига алоҳида эътибор берган.

Ифтихор

Бир пайтлар мана бу ривоятни ярми карвон, ярми полвон бўлган юрт Хўжаҳайронда истиқомат қиладиган отахондан ёзиб олгандим.

Айтишларича, Амирнинг номдор полвони бўлиб, ном қозонган Тери полвон бир катта курашда Помуқлик Хидир полвондан йиқилиб, уйига бош эгиб қайтади. Уни кўриб ҳайрон қолган полвоннинг энаси ўғлидан сўрайди:

— Болам, сени йиқитган полвон асли қаерлик?

— Помуқдан, қадди-қомати афсар девни эслатади.

Давоми иккинчи саҳифада.

ГУЛ ДИЁРИМ, ГУЛШАН ДИЁРИМ

Сурур

Она Ўзбекистоннинг ҳар куни фарахбахш, ҳар тонги эл меҳри ила пайваст. Устоз Ойбек домла айтганларидек, бундай ўлка боғларидан баҳор кетмагай. Бунда тўрт фасл ҳам қушлар чаман узра базм, ошиқ кўнгиллар назм тузадилар. Бу юртда инсоннинг кўнгли субҳидам чечаклари каби эрта уйғониб, орзулар оғушида яшайди.

Кўклам абру-найсонларининг шивиршивирини сезиб, айвонга чиқасиз. Пари фасл кумуш томчилари ила олам гардларини артмоқда. Ижодкор қалбини далалар, ўз меҳнатидан роҳатланадиган бунёдкор юртдошлар чорлайди.

Ёзувчилар уюшмасининг йўлланмаси билан Сирдарё вилоятига борганимизда бир-биридан ҳайратланарли, унутилмас баҳор манзараларини кўрдик. Дарё яқинидаги мактабда учрашувни якунлаб чиққанимизда шу яқиндаги қатор симёғочларга уя қурган лайлакларнинг туришлари бизни ҳайратга солди. Гоҳида қушлар болаларини кўриб "так-так, так-так", қилиб "ноғорача" чалиб қолар эканлар. Ўша куни майин ёмғир севалаётган эди. Учрашув тугагач, ўқувчилар соябонларини кўтаришиб беғубор шовқинлари ила уйларига тарқалишди. Мактаб ёнидаги катта дарахт тагида йигирмадан ортиқ лайлак йиғилиб, ёмғир тугашини кутар, гоҳида мактаб дарвозасига қараб-қараб қўйишарди, сездимки, болалар ва қушлар ўртасида иноқлик бор. Қани эди мусаввир бўлсам, бу манзарани тасвирласам. Баҳорнинг ширин ёмғири, эркатой болалар, хотиржам лайлакларини бағрига олган макон. Суратни "Сирдарё соҳилидаги бахт" деб атардим. Баҳорнинг бундай гўзал манзаралари кўп.

Шу кунларда азим пойтахтимиз ҳақиқий бахт-саодат маконига айланган. Оламда ягона мунаввар шаҳримизнинг жамолига боқиб тўймайсиз. Ҳар ёнда эзгу ният-интилиш, ҳар ёнда ширин ташвиш, боғу боғчаларда парвариш. Ҳадранинг янги чиройи сизга илҳом бахш этса, Ўрданинг гул рухсорини кўриб дилда наволар туғилади. Миллий боғда кезар экансиз, жон-жонингиз ила шу юртда туғилганингиздан шукрона келтирасиз. Сахий Чорсуда барака барқ уради. Кўкчанинг қаймоқли патирларини кеча-кундуз сизга узатиб турган Себзор, баҳорда сават-сават гул узатаётган, дунё бозорларига андоза Олой, ободлигидан ўзи шод Юнусобод, гул кўприклар, гулшан маҳаллалар...

Шаҳримиздаги яна бир шаҳарча — Ёшлик шаҳарчаси. Пойтахтнинг мангу баҳор маскани... Талабалар дарсхоналарга худди бол йиғаётган асаларилардек ёпирилишади. Машғулотлар пайтида минг-минг ёшлар ўқиётган шаҳарча жим-жит бўлиб қолади. Дарс соатлари тугаганда эса шаҳар кўчалари ҳақиқий баҳор – ёшликнинг овози билан тўлади. Кўклам кайфияти ила бир-бирига оламшумул ниятлар айтиб бораётган ёшларнинг орзуларидан ҳар қандай одамнинг юзига табассум таралади. Бу шаҳарчада туриб гоҳо баҳор шу ердан бошланадимикин? – деб қоламан. Негадир бундай чоғларда устоз Ҳамид Олимжоннинг:

Умрида ҳеч гул кўрмай йиғлаб,
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб,
Кутганларнинг ҳаққи ҳам сенда.

деган сатрлари ёдимга тушади.

Айвонларимизда қалдирғочлар ин қура бошладилар. Сиз уларни нигоҳларингиз билан авайлайсиз, бу қандай яқинлик! Баҳорий илиқлик, наҳорий тиниқлик. Руҳингизда енгиллик, қалбингизда туйғулар лолазори. Ўзбекмиз, кўнгли кўклам қирларидек кенг, бағри буғдой пайкалларидек баракали ва сахий. Уруғ сочаётган деҳқоннинг ҳам, ниҳол экаётган боғбоннинг ҳам, сурат чизаётган мусаввирнинг ҳам, шеър ёзаётган шоирнинг ҳам қалбида муқаддас боғлари бор. Бу боғларнинг илдизи зар сочиб оқаётган дарёларга туташ. Иншооллоҳ, бу боғларни бўрон урмас, тўфон тўзитмас, хазон лашкари маҳв этмас.

Яна бир баҳоринг муборак, мангу баҳор юртим.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Никоҳ — илоҳий аҳд, дейилади муқаддас китобларда. Қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар, оила қуриш остонасида турган икки ёшнинг Яратган шоҳидлигида аҳду паймон қилиб, энг улуғ ришта — оила ипларини боғлаши ҳам бежизга эмас. Қадим-қадимлардан оила мўътабар қўрғон саналади. Боболаримиз аждодларидан эшитган "Ота-онанг юзига тик қарама, қаттиқ гапирма" нақлини бизнинг ҳам қулоғимизга қуйиб, кўнглимизда илдиз оттирган.

Бир қоиндан талашиб тушган ака-укаю опа-сингилларнинг меҳр-оқибатли бўлиб улғайиши ота-она гарданидаги энг масъулиятли вазифа. Анча бўлди, бир телекўрсатувни кўргандим. Унда опа укасини 45 йил деганда топди. Сингил акасини 36 йил излабди. Ака укасини 50 йилдан бери қидираётган экан. Буларнинг барчаси оилада берилган тарбиядан, меҳр-оқибатнинг, қондошлик ришталарининг мустаҳкамлигидан шаҳодат беради.

Оилалардаги ўзаро ҳурмат, аҳил-иноқлик ҳақида ўйлаганимизда Юртбошимизнинг қуйидаги фикрлари ёдга келади: ***"Моддий томондан ривожланган мамлакатлардан, балки ҳозирча бироз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганмиз".***

Оталар фарзандларини эркалатиб "чироғим" дейишида катта маъно бор. Аслида ҳар биримиз аждодлардан авлодларга гоҳ гуркираб, гоҳ пир-пираб ўтиб келаётган чироқмиз. Тилагимиз, мана шу чироқларимиз мангу ёниб турсин!

ОТА АЛЛАСИ

ёхуд тўққиз Ойбарчин ҳикояти

Қадриятларимиз

Жарқўрғонликлар Бойбўри полвонни яхши билади. Етмишга кириб кураги ер искамаган, ётиб юлдуз санамаган, устозларидан қўл олиб шогирдларга қўл берган полвон у. Қаерда кураш бўлмасин Шўрчидами, Шерободда, Деҳқонобод ё Каттақўрғонда бирон марта жарқўрғонликларнинг бетини ерга қаратмаган. Элнинг унга ихлоси баландлигидан Сурхонда Бойбўри исми кўпайиб кетган.

Ўтаган бобомнинг айтишича, от қўйишга қўйиб кейин "аттанг" дегичлар ҳам бўлди, кўп бўлди, хўп бўлди. Боиси полвон кетма-кет тўққиз қиз кўрди — тўққиз юлдузли бўлди. Теваракдагиларга гап бўлди. Полвоннинг бетига айтмаса-да, кетидан ўшак қилувчилар кўпайди. Курашда енгилганлар аламини шуйтиб оларди. Бойбўри полвон қизлари Ўғилшод, Улжамол, Ўғилой, Улғўзи, Қизларбас ва ниҳоят Узилайдан кейин ўғил кўриб отини Тиловберди қўйди. Элга тўй берди. Оғзига кучи етмасларнинг оғзига ургандай бўлди, тили тортилди. Тиловберди Бўритошдан беш ёш кичик бўлди.

Бўритош дегандай, у полвоннинг невараси бўлади. Мендан икки синф пастда ўқир, Худонинг берган куни бобосининг уйида, мен эса унинг ёнида эдим. Уйда қорам кўринмай қолгач, энам шу ердан топиб, қулоғимдан чўзганча уйга судрарди. "Вой-вой"лаб эргашарканман, Бўритош қўли билан оғзини беркитиб, қиқирлаб кулар, "запаска" тишимни биров кўриб қолмасин", дерди. Ҳеч ким билмайди деб ўйласа-да, аслида ҳамма билар, шу сабаб мактабда ҳам лақаби "ўғритиш" эди. Сизга айтсам, ўғритиш билан ўйинимиз қўшилар, гурунгимиз қовушар эди. Ўн учга кирдию айниди-қўйди — уяладиган одат чиқарди.

Бир гал полвоннинг уйига борганимда у Тиловбердини қўнжига солиб, тиззасига олиб, елкасини силаб-силаб, ўнгиридан искаб-искаб қўшиқ бошлади:

Исингдан-а, исингдан,
Роҳат кўр ул-қизингдан.
Полван улим, бек улим,
Келбати алпдек улим.
Душманга қул бўлмайди,
Эгаси пул бўлмайди.

Беихтиёр бу оҳанглар юрак-юракларимга қуйилиб, вужудимга саноқсиз чумоли ўрмалагандек бўлди. Бўритошнинг олдидан биринчи марта энам чақирмасидан уйга – отамнинг ёнига чопдим. Ортимдан ўғритиш, "Бу нега бундай қилди экан?" деб анча пайт ўйлаб қолганини, ўзи айтиб бергандан кейин билдим. Нега ундай қилганимнинг сабаби бор-да! Мен ҳам бу қўшиқ — аллани Отамдан кўп эшитганман.

Отам биронта қиз неварасига алла айтганини эслолмайман. Ўғил набиралари қўйнига тушиб қолса бас, менга таниш оҳанг отам тилидан жаранг топиб қулоқларимга сизиб кираверади. Ана шунда болалигим кўз олдимда гавдаланади: Мана, отамнинг тиззасида ўтириб у киши айтган қўшиққа мос тебраняпман:

Юртга бакавул бўлар,
Элга ясавул бўлар.
Кўрингда бу кишимди,
Қўлдан олар ишимди.

* * *

Дунёдаги энг азиз қўшиқлардан бири шубҳасиз алладир. Оталар алласи оналар алласидан фарқли равишда ишонч ва қатъийлик билан айтилади. Унда аниқлик мужассам: "Душманга қул бўлмайди, Эгаси пул бўлмайди!" Шу сўзлар оналар тилида "Душманга қул бўлмасин, эгаси пул бўлмасин", дея ният оҳангида янграйди. Отаси томонидан ишонч билан айтилаётган алла сўзлари тўғри боланинг юрагига етиб боради. Энди у юракда отаси билдирган ишончини оқлаш учун ҳаракат бошланиши шубҳасиз.

Она алласининг оҳанглари билан фарзанд қалбига волидасининг қалб қўри, меҳр-муҳаббати, самимий туйғулари, тансиқ тилаклари оқиб кираверади. Она алласини тинглаб ётган бешикдаги жажжигина юракда меҳр, эзгулик, муҳаббат туйғулари илдиз ота бошлайди. Оталар алласи орқали эса, бола билан бирга мардлик, жасурлик, ор-номус, тантилик, ўзига ишонч, ватанпарварлик ва садоқат сингари туйғулар улғайиб бораверади.

Оталар шундай сўзлар билан ўғлини аллалайди:

Исингдан-а, исингдан,
Роҳат кўр ул-қизингдан.
Юртга бакавул бўлар,
Элга ясавул бўлар.
Улимдан-эй, улимдан,
Ишим олар қўлимдан.
Полвон улим, бек улим,
Келбати алпдек улим.
Кўринг-да бу кишимди,
Қўлдан олар ишимди.
Товларга тиргак улим,
Сувларга сиргак* улим.
Душманга қул бўлмайди,
Эгаси пул бўлмайди.
Элга энлик қилмаса,
Бу менга ул бўлмайди.

(сир сақловчи)*

Оталар алласи болани уйқуга, мудроқ босишга чақирмайди. Уни ҳушёрликка даъват этади. "Элга энлик қилмаса, Бу менга ул бўлмайди", деган сўзларни отасидан эшитар экан, ўғилнинг елкаси бир учиб тушади, сесканиб тушади. Гарчи у ҳали гўдак бўлса-да, бунинг фожиа эканлигини тушунади. Отасига ўғил бўлмай қолишдан чўчийди. Элга энлик қилгиси келаверади. Ёшлигидан ҳушёр бўлиб ўсган ўғлон ҳеч қачон панд емайди. Атрофга синчков боқади, хавфни олдиндан пайқаб, унинг олдини олади, сирасини айтганда қоқилмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон умри давомида оладиган маълумотларининг 85 фоизини 5 ёшигача ўзлаштириб бўлар экан. Олимлар буни ҳисоб-китоб қилмасларидан минг йиллар бурун бобо-момоларимиз ҳаётий кузатишлари билан бунга амин бўлишган. Шунинг учун ҳам улар "Чақалоқ улғайсин, гапга тушунадиган бўлсин, кейин панднасиҳатни қилаверамиз, ҳозир нимани ҳам тушунарди", деб кутиб ўтиришмаган. Дунёни ларзага солиб туғилган давомчисининг илк кунларидан бошлаб бор гап-сўзларини алла орқали мурғак юракнинг туб-тубига жойлашган.

* * *

Қишлоғимиз кексалари шундай гурунг беради: Бўри полвоннинг кампири тўққизинчисига юкли бўлиб, туғруқхонага тушди. Полвон шу пайтда тов ошиб бир чупран тўйига олишга кетган эди. У ерда бош тобоқ — туяни ютган эди. Совринни еталаб келаётганда бу хушхабарни Шодиқул тегирмончидан эшитиб, унга туяни суюнчига бериб, ўзи шаҳарга — туғруқхонага шошди. Кампирини чақирди. Бўрихол момонинг қарашга бети чидамади. Полвон билди буниси ҳам қиз. Майли-да, Худонинг бергани, манглайда бори-да! Шунга етмаётганлар қанча. Бўрибой ҳамшираларга "Бизди кампирга айтинглар, бир қарасин, қарамаса шу ердан тўғри энасиникига жўнасин. Гап шу", деганидан сўнг бир майдон ўтиб, Бўрихол момо бўй бергач, полвон кўзида ёш билан хотинига қараб-қараб, бошидан дўпписини ечиб ерга тайлаб, қулочларини кенг ёйиб, айланиб-айланиб, ерни тепиб-тепиб ўйнади. Умрида бирон марта ҳам ўйнамаган эркак шундай ўйнадики, кўрган борки юраги эзилиб кетди. Теваракдагиларнинг кўзи ёшга тўлиб, Худога "Шу полвонга биттагина ўғил берсанг, ниманг кетади", деб арзи дод қилди. Кўпчиликнинг тилови ижобат бўлиб, Тиловберди дунёга келган экан.

Кетма-кет тўққизта қиз кўрган кимсан Бўри полвон нафақат майдонда, балки ҳаётда ҳам мард бўлган. У хотинининг ўксимаслигини истаб, қиз кўрганидан ранжимаётганини, аксинча бундан хурсанд эканлигини ҳамманинг кўз олдида билдирган. Ич-ичидан зил кетса ҳам буни сездирмасликка ҳаракат қилган. Яратганнинг синовларига матонат билан бардош бериб, шукрона келтирган. Бир гап билан айтганда мардлик қилган. Мард отадан эса мард фарзандлар туғилади.

Ҳар бир оилада оналар алласи билан бирга оталар алласи ҳам жаранглайверсин.

Жўрабек ЖАҲОН

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Унинг туққан энасини кўрсам кейин айтаман! Помуққа бормасам бўлмайди.

Эртаси куни Тери полвоннинг энаси бир байталга миниб, сўраб-суриштириб Помуққа етиб келади. Отдан тушмай девор оша Хидир полвон вояга етган ҳовлига қарайди. Кўрдики, ҳовлининг бир четидаги ер тандирда бир аёл нон ёпиб турибди. У шундоқ ҳайбатли аёлки, зарбидан еру осмон титрайди. Бу ҳолни кўриб лол қолган Тери полвоннинг энаси индамай изига қайтиб, етиб келиб ўғлини юпатади:

— У аёлнинг ўғли сени ҳалол йиқитганига энди ишондим. Ундай соғлом, меҳнаткаш онанинг боласи полвон бўлиши табиий...

Ушбу йилимиз "Соғлом она ва бола йили" деб аталиши бежиз эмас. Муҳтарам Юртбошимиз Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб асосий диққат-эътиборни миллатни соғломлаштириш — она ва бола саломатлигини яхшилашга қаратди. Шарқ тафаккур хазинасида шундай битиклар бор: **"Агар эркакка таълим-тарбия берсанг, бир кишини тарбия қилган бўласан, аёлга таълим-тарбия берсанг бутун миллатга таълим-тарбия берган бўласан".** Шу боис, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, умумхалқ ҳаракатига айланди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз — Қашқадарёнинг бир чекка қишлоғи Гувалакда Президентимиз Қарорига мувофиқ бунёд этилган спорт мажмуаси ҳақида. Унда спортнинг барча турлари қаторида бадиий гимнастика, кураш билан шуғулланаётган қизларимизни кўриб уларнинг чапдастлигию чаққонлигидан фахрланиб кетасиз.

Аслини олганда, 20 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Гувалак қишлоғида қизлар спортига эътибор Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ бошлаб юборилган эди. Қонида полвонлик бўлган, мазкур қишлоқда туғилган Пўлат Омонқулов тўй курашида оғир жароҳат олиб, бир қўли ишламай қолади. Уч-тўрт йил муттасил даволанишига қарамай ўнг қўли барибир тузалмайди. Тасаввур қилинг, жисмоний тарбия муаллими ёки мураббийнинг бир қўли ишламаса доврўқли полвон бўлиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Тушкунликни енгиш учун собит ирода керак эди. Пўлат буни ўз юрагидан топди. Илк бора саккиз нафар қиздан иборат полвон қизлар тўғарагини очди. Ўша пайтларда ким ҳам қизининг полвон бўлишига йўл қўярди. Исми жисмига монанд Пўлат кураш машғулотларини, аввало, ўз қизи Фазилат ва жиянларидан бошлади. Кейинчалик бошқа қизлар ҳам тўгаракка қизиқиб аъзо бўлишди. Нурли истиқлол эса мураббийнинг некбин орзуларига қанот берди. Чин маънода Барчиной-лар бўй кўрсатиб, бир-биридан гўзал ва хушрўй қизлар ҳайқириб кураш тушаверди. Қишлоқ қизлари нафақат Осиё, балки Жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлганида улар шарафига мадҳиямиз садолари янграб, байроғимиз баланд ҳилпираганида диллар қувончга тўлди, димоғлар чоғ бўлди. Энди Гувалакда полвон қизлар ва уларнинг фидойи мураббийлари ҳақида қўшни туманларга қувончли хабарлар тарқалди. Полвон қизларнинг кўпчилиги мамлакат чемпионлари бўлишиб, жисмоний тарбия олийгоҳига имтиёзли ўқишга киришди. Талабалик йилларида эса қизлар кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоасида иштирок этиб, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида муносиб ўринларни эгаллашди. Вилоятнинг деярли барча туманларидан келиб Гувалакдаги спорт мактабида таълим олган полвон қизлар сони бугунга келиб 400 нафардан ошиб кетган. Уларнинг аксарияти ўз ҳаётини жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этолмайди. Полвон бўлиб балоғатга етган қизларнинг совчилариям кўп бўларкан. Турмушга чиқадиган қизни таърифлашаётганда "соғлом, бақувват қиз, уларнинг туғиб тарбиялаган болалари ҳам кураги ерга тегмайдиган полвон ўғил-қизлар бўлиб етишади", дейишади.

ГУВАЛАКНИНГ ПОЛВОН ҚИЗЛАРИ

Яна бир қувонарли маълумот. Пўлат полвоннинг айтишича, чемпион қизларнинг 54 нафари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли ўқишга кириб, аъло баҳолар билан тугатган. 4 нафари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академиясини битирган. Қизлар орасида 4 нафар Жаҳон чемпионлари, 30 нафарга яқин Осиё чемпионлари, 50 нафар халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорлари бор. Бир нафар шогирди Зиннура Жўраева Олимпиада йўлланмасига эга бўлган. 12 нафар қиз Мустақилликнинг 20 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган. Ёш шогирдларидан Паризода Эргашева ҳамда Дилноза Сафаровалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия қилинган. Чемпион қизлар орасида Ўғилой Нуралиева, Машҳура Мавлонова, Фазилат Омонқулова, Рушана Бекмуродова, Дилафрўз Ҳалилова, Дилафрўз Абдураҳимовалар бугунги кунда малакали мураббий.

— Спорт ҳам ҳунардай гап. Бирор ҳунарга меҳр қўйган одам, ундан ҳеч воз кечолмайди, — дейди чемпион қизлардан бири Машҳура Мавлонова. — Мен спорт билан шуғулланиш асосида, аввало, соғлиқнинг катта неъмат эканлигини ҳис қилдим. Чиниққан танага ҳеч қачон ҳеч қандай дард яқин келолмаслигини англаб етдим. Дугоналаримнинг деярли барчаси спортчи қизлар. Суҳбатимиз ҳам табиийки, кийим-кечак, латта-путталар ҳақида эмас, спорт, ғалаба, мағлублик ҳақида бўлади. Бундай суҳбатлар одамга куч-қувват беради. Мураббийимизнинг яхши гапи бор: "Ҳақиқий полвонлар, алплар соғлом онадан туғилади. Руҳи ва танаси чиниққан, иродаси тобланган фарзандлар эса келажакда Ватанини муносиб ҳимоя қила олади..."

Ҳа, бу қизлар билан суҳбатлашиш ҳам мароқли. Ана шундай соғлом, руҳи тетик қизларимизнинг йил сайин эмас, ой сайин эмас, кун сайин эмас, соат сайин кўпаяётганини кўриб дилимдан ўтгани, англаганим шу бўлди: спорт соҳасида катта-катта марраларни қўлга киритаётган ўғил-қизларимиз юртимизда катта куч бўлиб майдонга чиқаётган миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг вакилларидир. Улар ўз ютуқлари билан тенгдошларини ҳам ана шундай ғалабаларга руҳлантиради. Энг асосийси, улар соғломлиги, кучлилиги, ичга сиғмас ғайрати билан юртнинг ишонган тоғига, қалқонига айланадилар.

Ғози РАҲМОН,
"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

ИЖОДКОР ВА НОШИР МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг 2015 йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишланган йиллик қўшма ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижодий кенгашлар, уюшма фаоллари ҳамда "Шарқ" НМАК ижодий ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али қисқача кириш сўзи билан очди:

— Истиқлол туфайли барча соҳалардаги сингари, бадиий адабиётга, қалам аҳлига эътибор кўрсатиш жамият ҳаётининг устувор тамойиллари қаторидан ўрин олди. Масалан, 2015 йилда Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Ўтган йили ижодкорларнинг "Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан" рукнида ижодий сафарларини уюштириш янада фаоллашди. Ижодий сафарлар давомида вилоятларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, юртдошларимизнинг турмуш тарзи, ободлик, фаровонлик йўлидаги интилишлари билан яқиндан танишиб, кўплаб салмоқли публицистик мақолалар ёритилди. Ҳар йили Истиқлол байрами арафасида Ватанимизнинг бугунги сермазмун тарихи акс этган бадиий-публицистик тўпламларни чоп эттириш яхши анъанага айланди. Ёзувчилар уюшмаси томонидан жорий йилда қуйидаги китоблар тайёрланиб, нашр қилинмоқда: "Ҳазрат Навоийга эҳтиром", "Сокровищница мыслей" (рус тилида), "Хазойин ул-маоний", Ойбекнинг "Навоий" романи (инглиз тилида), "Биз — Истиқлол фарзандларимиз" (ёшлар баёзи), "Минг бир ибратли ҳаёт", "Ўзбек адиблари", "Адолат йўли", "Кўзим қароғисан, Ватан" (Истиқлолнинг 25 йиллигига бадиий публицистика ва очерклар), "Қудратли юрт дилбандисан" ("Соғлом она ва бола йили"га бағишланган шеърий китоб), "Болалар адабиёти антологияси".

Шунингдек, анъанавий "Истеъдод мактаби" семинари ғолибларининг биринчи китоблари нашр этилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов ўтган 2015 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Нашриётнинг ўтган йилдаги фаолиятига доир кўрсаткичлар мажлис аҳли томонидан ижобий баҳоланди.

Ахборот хизмати

Соғинч

"Муҳаббат шеваси", "Оқиб кетган армонлар", "Янги Тошкентнома", "Бедорларга беринг дунёни" каби ўндан ортиқ шеърий китоблар муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир яқинда "Армон туни" номли янги достонини якунлади. "Соғлом она ва бола" йили муносабати билан табаррук Оналарга, она Ватанга бағишланган ушбу асар шоирнинг меҳр ва соғинч дилномаси ҳамдир. Кўнглингизни фарзандлик меҳри тарк этмасин деймиз.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

САОДАТ ТОНГИ

Дунёдаги дастлабки энг буюк қўшиқ — Она алласидир! Худди она сути каби она алласи билан фарзанд вужудига тоза ҳислар киради. Нечун инсон бутун умр шу оҳангни соғиниб яшайди? Чунки она ўз алласи билан фарзандининг жисмига ҳаловат бағишлаш билан бирга, унинг қалбини уйғотади.

Қолаверса, Она алласи — гўзал ва бетимсол афсун. У — ором овози, меҳру муҳаббат сози. У ҳар бир она тилида, дунё оналари тилида ҳар хил жаранглайди. Аммо бир хуш тилакни зуҳур этади. Дунё оталарининг фикрини бир мақсад йўлида жамлаб олиш мушкулдир. Вале, олам оналари ўз аллаларида бир эзгу ниятни изҳор қиладилар. Фарзанди аржумандига омонлик, оламга омонлик! Шу боис алла эшитган дил энтикади.

Мен онам аллаларини соғинаман. Албатта, онам менга қандай алла айтган, буни билмаслигим табиий. Аммо онам набираларига — менинг фарзандларимга айтган аллалари ҳозир ҳам қулоғим остида маҳзун ва ёқимли жаранглайди. Онам қизчамизни қўлига олиб, илк бор қандай алла айтишни билмай хижолат бўлиб ўтирган аёлимга ўргатган аллалари ҳамон жонимга чертиб туради.

Хуш ниятнинг аввали
Онам айтган аллалар.
Қўшиқларнинг гавҳари
Онам айтган аллалар.

Оятдайин оромли,
Дуодайин давомли,
Сабодайин саломли,
Онам айтган аллалар.

Оқшомларга ой бўлган,
Тош дилларга сой бўлган,
Маърифатга бой бўлган,
Онам айтган аллалар.

Ухлатмаган, уйғоттан,
Дилда меҳр тўлғоттан,
Тинглаганлар бол тотган,
Онам айтган аллалар.

Жонни жонга улаган,
Шонни шонга улаган,
Гулни дилга белаган,
Онам айтган аллалар.

Озода хаёлларни,
Кўнгилдаги болларни,
Эслатган хуш онларни,
Онам айтган аллалар.

Омонликнинг овози,
Қувончларин парвози,
Асли онам дил сози —
Онам айтган аллалар.

Онам умрин ҳикмати,
Шарқ аёлин ибрати,
Пок қалбнинг тиловати —
Онам айтган аллалар.

Дунёда қарзларнинг тури кўп. Кимдандир олган моддий қарзинг. Қариндош-уруғ, жигарларинг, ёру дўстлар олдидаги меҳру оқибат қарзи. Элу юрт, Ватан олдидаги фарзандлик бурчи зиммамизга юклайдиган қарз...

Аммо ота тузи, она сути, уларнинг меҳру муҳаббати, сен деб чеккан заҳмати олдидаги фарзандлик қарзи инсонни бир умр ўйлантириб қўяр экан. Чунки бу қарз аслида узиб бўлмас қарз. Бироз бепарво, лоқайд фарзанд учун бу қарз бир умрлик армонга айланиб қоладиган қарз.

Онам раҳматли, «Болам, мени ҳам бойлаб бермаган, наздингда онам ўлмайди, деб ўйлайсан, шекилли», деб қўярдилар гоҳ-гоҳида. Бу менинг озгина эътиборсизлигим, кўчахандонлигим боис айтиладиган гиналар эканлигини онам дунёдан ўтгандан кейин билдим. Кўзларим кеч очилди. Энди бу қарз — менинг мангу армоним...

Ё Раббано, то тирикман,
Ўзингга бор битта арзим.
Айт, Онамдан бу дунёда,
Узилгайми менинг қарзим?

Танамдаги шу жон учун,
Томирдаги шу қон учун,
Шу ер учун, осмон учун,
Менинг қарзим, менинг қарзим.

Оқ сут берган, таом берган,
Алла айтиб ором берган,
Тилимга илк калом берган,
Булар, ахир, менинг қарзим.

Юрагидан юрак берган,
Оппоқ-ойдин тилак берган,
Одам қилиб, кўксим керган,
Оҳ, чексиз-ку, менинг қарзим.

Кўксим баланд пайтим учун,
Ватан деган айтим учун,
Ёзган ушбу байтим учун,
Менинг қарзим, менинг қарзим.

Нечун, ахир, тан олмайин,
Борлигида асролмайин,
Оҳлар уриб қолдим кейин,
Қандай узай айт, бу қарзим?

Азал дунё, гўзал дунё,
Нодир Худо, қодир Худо,
Ғойиблардан бер бир садо,
Мен Онамдан узай қарзим.

То тирикман тиловатим,
Сенга қилган ибодатим,
Бандалигим — саодатим,
Менинг қарзим, менинг қарзим.

Мақсудиммас дод этмоқлик,
Энди руҳин шод этмоқлик,
Манзилин обод этмоқлик —
Менинг қарзим, менинг қарзим.

Онажон, дунёда мен учун бир тун бор! Мен бу тунни ўзим учун армон туни, ғафлат туни, деб биламан. Одатда, шоирлар тунларни тонгга улашади, бедор ўтишади, дейишади.

Аммо мен:

— Ёлғон, ёлғон, — дея ҳайқиргим келади. Боиси шу тун учун ўзимдан ҳам, шоирлигимдан ҳам хижолатман, она!..

Ўша оқшом ҳам мен қошингизда эдим. Сиз ҳаддан ташқари толиққан, сўзлашга ҳам мажолингиз йўқ эди. Қўлингизни уқалаган, сочларингизни силаган бўлдим. Менга боқиб синиқ жилмайдингиз. Бугун кеч очилган кўзларимнинг кўриши, кеч кирган ақлимнинг англашича сиз бор кучингизни йиғиб:

— Ўғлим, ишдан чарчаб келгансан. Менинг ётишим қурсин, сизларни ҳам қийнаб юбордим. Бор, тиниқиб ухла, эрта яна ишга борасан, — дедингиз. Мен шуни кутиб тургандек, онам ўзлари рухсат бердилар, дея ғафлат болишига бошимни қўйдим.

Аммо... аммо мен тонгда ўғлимнинг йиғи аралаш овозини эшитдим.

— Ада, туринг, бувимни бериб қўйдик!..

Мен учун бу тонг эмас, зимистон эди... Сизнинг олдингизда, сизни мен деб чеккан заҳматларингиз олдида, шувит бўлган юзимнинг тонги эди, она!

Тобут тутган одамлар ичра,
Мен борурман сафнинг олдида.
Лекин орим, ғурурим, она —
Олдда эмас, ортда қолди-да.

Афсус менинг баримдан тутган,
Армон олган буткул бўғзимдан.
Уяламан, она, нетайин,
— Рози бўлинг, — деган сўзимдан.

Кўзларимнинг ёши не даркор,
Кимга керак бу кўз-кўз нолам.
Гўё отам руҳи бўзларди,
— Оҳ, йўғимни билдирдинг, болам.

Ёнингизда бўлмадим, ахир,
Сўнгги дамда, сўнгги нафасда.
Энди менинг кўзларим қондир,
Энди менинг оҳим қафасда.

Қабрингизга тупроқ тортдилар,
Тупроқ билан тўкилдим мен ҳам.
Дилим бўзлар, тилимда бир сўз,
— Оллоҳ раҳмат қилсин-да, онам!

Тиловатнинг ҳазин оҳанги,
Тиз чўктирди барча-барчани.
Бандага шу калом очармиш,
У дунёдан ёруғ дарчани.

Ногоҳ сапчиб турдим ўрнимдан,
Келган дўст-ёр таъзимга лойиқ.
— Онам қандай одам эдилар,
Айтиб кетинг, айтинг, халойиқ!

— Яхши эди, оқила эди,
Ҳалол эди, пок аёл эди.
Фарзандлари учун жон тиккан,
Хоксор эди, хок аёл эди.

Шукр қилдим, шукр, онажон,
Шундай онам борлиги учун.
Кетса ҳамки ёруғ дунёдан,
Руҳи менга ёрлиги учун!..

Онажон, бир оқшом уйга ҳаддан ташқари кеч келдим. Эшик очилиши билан сиз ҳовлига отилиб чиқдингиз.

— Намунча кеч қолмасанг?!. Шунчалар ҳам боқи беғам бўласанми? Дилим тўкилиб кетди-ку, болам... Онани яратмасин экан-да...

Мен нима дейишни билмасдим. Бошим хам эди. Яна ўзингиз...

— Ўғлим, шуни унутма, мен ўлсам, руҳим сени қўриқлайди. Аммо ўзингни ўзинг асра. Кўчахандон бўлма!..

Онажон, бу достонга мен кўзимда ёш билан нуқта қўймоқчи эмасман. Сиз эр кишининг нолиганини хуш кўрмас эдингиз. Сиз бизни кўрсатганига, етказганига шукур қилиб, ор билан, офтоб билан яшашга ўргатгансиз.

Майли, армон тунининг оғриқлари бу — менинг дилимдаги хун, тилимдаги дод. Аммо, мана, туннинг қора пардасини кўтариб ўлкамизда омонлик тонги, саодат тонги отмоқда, она! Паркент тоғлари ортидан бош кўтараётган қуёш тирикликни, ҳаётни олқишламоқда.

Набира келинингиз кўча эшигимизни аллақачон сув сепиб, супуриб қўйибди. Демак, сиз истагандек хонадонимиз фаришталар учун очиқ, она! Ҳовлимизнинг бир бурчига сепилган, сиз хуш кўрадиган райҳонлар баргидаги шабнамларга термуламан. Нақадар мусаффо, биллур томчилар. Сиз ҳар тонг ана шу шабнамларга юз-қўлларингизни чайиб олардингиз.

— Улар поклик рамзи, тиниқлик рамзи, болам. Поклик кўнгилни, тиниқлик кўзни қувонтиради. Қишлоқ боласисан, шуни унутма, оёғинг остига қараб юр, Ерни кўр! Инсон муҳаббатининг аввали Она Ерга муҳаббатдан бошланади, — дердингиз.

Онамизнинг онаси
Аслида шу Момо Ер.
Отамизнинг онаси
Бўлган, ахир, Момо Ер.

Ота макон, Она юрт,
Киндик қоним томган ер.
Онамдайин Офтобли,
Онам бўлиб, болам дер.

Она зоти болани
Жисмида пайдо қилар.
Туғилади, ном берар,
Исмида пайдо қилар.

Ай, Она Ер, Она Ер,
Онагинам онаси.
Ахир, ўзинг эмасми
Жонимнинг парвонаси.

Ғоз-ғоз турган пайтимдан
Ўзинг елкангга олдинг.
Кўнглимга Ватан деган
Ноёб туйғуни солдинг.

Онам сути менинг илк
Насибам бўлгани рост.
Кейин ўзинг ризқ бердинг
Болам, деб қилдинг эъзоз.

Қувончимга шерик кўп,
Бор ташвишим сенгадир.
Она Ер инсон учун
Абадий энагадир.

Тепинсам, оғринмайсан,
Юкинсам, оғринмайсан.
Йиқилсам, ёнбошимда
Суянсам, тоғимдайсан.

Дунёдан ўтар бўлсак,
Бағринг абадий макон.
Шундан сени, Она Ер,
Она Ватан дер инсон.

Ай Она ер, Она Ер,
Онагинам онаси.
Йўқ дейсан-да, фарзандга
Оналарнинг гинаси.

Яратгандан тиларман,
Сен абад бўлгин омон.
Бағрингда бир боғим бор,
У — Онам, Ўзбекистон!

Муҳаммад САЛОМ

Ҳикоя

МЕҲР



Бозор айланиб юриб, беихтиёр балиқ сотувчилар растасига кириб қолдим. Пештахта устидаги каттакон зоғора балиқ диққатимни тортди: қойил, буни қандай тутишдийкан?..

Қўлида ошпичоқ ушлаган аёл кўнглимни сезгандай хаёлимни бўлди:

— Келинг, дода, бугун саҳарда тутилган.

Ютиниб, кулимсирадим.

— Каттайкан... Тиш ўтмайди...

— Хоҳласангиз, бўлаклаб бераман. Э, мана, майдароқлариям бор, — у тангачалари ялтираб турган, катта-кичик ҳар хил балиқларга ишора қилди. — Қайсини тортай?

Лабимни қимтиб, нарироқ сурилдим. Сотувчи аёл яна чорлади:

— Дода, тўхтанг, жуда зўр балиқ...

Кўнглим кетди: мана шу «наҳангча»ни олиб, уйда қовуришни, болалариму невараларимни хурсанд қилишни, синглим Ойдинни, деворлармиён турадиган жиянларимни ҳам зиёфатга чақиришни истаб қолдим. Айниқса, сингилгинам ва қизини бир қувонтирсам...

— Дода, майдароқлари ҳам бор, хоҳлаганизни танланг...

Бош силкиб, маъқуллаган бўлдим, лабларим қимирлади: «Тўғри, майдалари бирмунча арзон, мазаси ҳам бўлакча, лекин қилтаноғи кўп. Каттаси эса баракали, ейишга қулай — болалар, қарилар қийналмайди...»

— Қайсини оласиз, дода?

Йўл бўйи ўша йирик балиқ кўз ўнгимдан нари кетмади. Болаликдан балиққа ўчман. Лекин бунақа йиригидан тановул қилганимни эслай олмайман.

Мўлжалдаги ишларимни битириб қайтаётиб, шом чоғи синглимникига ўтдим. Бугун унинг дам оладиган куни. Бошқа вақт у билан тузукроқ гаплашиб бўлмайди. Ҳордиқ кунида ҳам ўқувчилари тинч қўйишмайди. Ҳозир бир оз енгиллашгандир... Аммо, ҳа деганда у кўзимга чалинавермади.

— Онанг қани? — дастурхон ёзаётган Шаҳинадан сўрадим.

— Ие, кўрмадизми, бобожон? — ажабланиб менга қаради у. Жияним мени «бобо» деб чақиришга ўрганган. Ўзимга ҳам бу хуш ёқади.

— Қаерда кўраман?

— Акамникидаман, деб телефон қилувдилар. Сизни кўргилари келиб турувди.

— Э, шунақами, унда мен борай, — деб қўзғалганимда Шаҳина қўймади, дарҳол онасига телефон қилди. — Онажон, бобом келувдилар, кетмоқчи бўляптилар.

— Йўқ-йўқ, ҳозир етиб бораман, — деган овозини эшитиб, қайта ўтирдим.

Бир маҳаллада яшашимизга қарамай, уни салкам икки ҳафтадан бери кўрмаган эдим...

Шаҳинага савол назари билан қарадим: «Бугун ҳам ишга бордими?»

— Бир айланиб келай, деб пешиндан кейин чиқиб кетувдилар, — деди мени тушуниб жияним.

— Зерикмадизми, акажон? — деган қувноқ овоздан хаёлим бўлинди.

— Дам олганга ўхшайсан-а? — деб сўрадим, Ойдиннинг тиниқ чеҳрасига қараб.

— Бозор айлансам, дам оламан, ака, ҳеч нима олмасам ҳам.

— Ҳа, бозорда гап кўп: юртнинг тароватини кўриб тургандай бўлади киши. Чой устида турли мавзуларда гурунглашдик. Кўп қиставшига ва қайнатма шўрвани ёқтиришимга қарамай, кечки овқатга ўтирмадим.

— Ака, сиз қанақа балиқни ёқтирардиз? — деб сўраб қолди Ойдин кетар чоғимда. Сездимки, у мени балиқ билан сийламоқчи.

— Ҳеч қанақасини, — терс жавоб қайтардим.

— Аков... айтинг, ғиждувонча пиширилгани яхшими ёки тиригими? — у елкамни сийпалади. — Каттасими, кичикроғими?

Кўзларимни юмдим. У жилмайди. Мен индамай ташқарига йўл олдим.

Уйга келиб, невараларимнинг қий-чуви эшитилаётган ошхонага кирдиму лол қолдим: ёпирай, мен бозорда кўрган... «наҳанг» — каттакон зоғора балиқ бутун бир столни эгаллаб ётибди; невералар томоша қилишяпти; онаю бувилари уни қандай бўлаклаш хусусида бош қотириб ўтиришибди. Кўнглим ниманидир илғаган, бир неча кишини тахминлаган эсам-да, ҳайратангиз сўрадим:

— Буни ким олиб келди?

— Ойдин айтмадими? — кампирим менга ғалати қаради: «Уни билмайсизми?» ёхуд «Бошқа кимдан чиқади бунақа иш?» дегандай.

— Айтди... «Қанақа балиқни яхши кўрасиз?» деб сўради, холос. Буни... бозорда кўрувдим... олгим келувди...

— Шуни кўнгли сезган-да.

— Ҳа... — дедим ва унинг телефон рақамларини тердим. — Ойдин, бу нима қилганинг?

— Нима қилибман, ака? — чўчиган овозда сўради у.

Энди танбеҳнинг ўрни эмаслиги ва фойдасизлиги эсимга тушиб, шаҳдим пасайди:

— Худди шу балиқни кўрувдим. Олмоқчиям бўлувдим. Лекин ўйлаб, кейинроққа қолдирувдим... Буни қаёқдан билдинг?

— Ростданми? — қувониб кетди синглим. — Кўчада биров сотмоқчи бўлиб турган экан, сизни хурсанд қилай дедим.

— А? Кўчада?.. — негадир бўшашдим, ҳаёлга толдим ва дарҳол ўзимга келдим. — Айнан уни кўрувдим... Хўш, энди ўзинг келиб, ғиждувончасига қовурасан-да...

— Ака... ғиждувончасини эплаёлмийман-ку, янгамга ишонаман...

— Э, ғиждувонча қовуришда сир бор, буни ҳамма ҳам эплайвермайди.

— Энди нима қиламиз, ака? — у ташвишланиб сўради. — Бундай ўйлаб ҳам кўрмабман ғиждувончасини... Ахир, янгам ҳам зўр пазандалар-ку.

— Ҳай, келаверинглар, бир гап бўлар... Гулбаҳор билан Юлдузгаям телефон қил.

Ойдин кулиб юборди, сўнг тинчиб:

— Улар шаҳарда эмас, ота-онасини кўргани кетишган...

— Ўйламай иш қилгансан-да, Ойдин, — уни қойидим. — Шундай катта балиқни олиб нима қилардинг?

— Уни кўриб, сизга илинувдим, қувонарсиз деб ўйловдим, ака...

— Ҳай, бўлар иш бўлибди, бўёғи кўчибди, — кулган бўлдим.

Индамадим. Қувонганим ёлғон эмас: ҳали харид қилолмай келганим ҳозир қаршимда муҳайё бўлиб тургани бир мўъжиза бўлиб туюлди. Лекин қувончимни унга сездирмасликка ҳаракат қилдим. Ўзи у азалдан шундай: емай едиришни, киймай кийдиришни хуш кўради. Бундан ўзини осмонда ҳис этади, кайфияти кўтарилиб кетади.

— Шунга ҳавасим кетувди, раҳмат, хурсанд қилдинг, — дедим ниҳоят. — Энди она-бола тез етиб келинглар, бирга баҳам кўрамиз...

— Аков... шўрва бориди... — деди у дудуқланиб. – Жиянларни чақира қолинг, бир мириқинглар.

— Эй, менга қара, Ойдин! — дедим жаҳлим чиқиб. — Келмасанглар, балиғингни олиб кет.

— Хўп, бирпасдан кейин борамиз.

Балиқнинг бир қисми қовурилиб, тоғорага солиб, ўраб қўйилганда она-бола кириб келишди. Шаҳина янгасига ёрдамга ошиқди. Салдан кейин ҳаммамиз узун стол атрофидан ўрин олдик. Ҳадемай, қизартириб қовурилган балиқ рўпарамизда пайдо бўлди-ю иштаҳалар очилди. Бироқ синглим ва жияним...

— Бу нима қилиқ? — дедим қўлимни сочиққа артаётиб, Ойдинга қаҳрли қараб.

— Қилиқ? — у ҳеч нимага тушунмай, менга анграйиб қаради.

— Бизни томоша қилгани келдиларингми?

Ойдин лаб тишлаганча бош тебратди, сўнг одатдагича важ кўрсатди:

— Ака, яхши биласиз: мен кечқурун овқат емайман, фақат мева-чева...

— Э, ўргилдим одатингдан! — жаҳлимдан тушмай, унинг сўзини кесдим.

Онаси кулимсираб, қизига қаради. Шаҳина бошини эгди. Қизаринқиради. Сўнг у ҳам кулимсираб, бош кўтарди-да:

— Бобожон, нима қилай, олмани яхши кўраман-да, — деди. — Олмадан бошқасини егим келмайди.

— Олма яхши, — дея насиҳатга ўтдим. — Лекин олманинг ўзи овқат бўлолмайди. Ҳозир айни ўсадиган, куч йиғадиган пайтинг. Дармондориларга бой, хилма-хил таомлардан кўпроқ ейишинг зарур. Балиққа меҳр қўйсанг, чиройли бўласан, узоқ умр кўрасан, миянг ҳам яхши ишлайди...

— Хўп, бобожон.

— Унда, қани, балиққа ҳужум бошладик, — дея ўзим ўрнак бўлиб, бир бўлак балиқни қўлимга олдим.

Ойдиннинг кўзлари балқиди:

— Отамни хурсанд қилганимдай, сизниям хурсанд қилмоқчийдим.

— Отамни?

— Эсласангиз керак: отам балиқни жуда яхши кўрардилар. Қўлимга пул тушган куни Ғиждувондан отам учун атайлаб чиройли қовурилган, энг яхши балиқдан олиб келардим.

— Оҳ, қандай яхшисан-а, Ойдин! — деганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. — Сен отамнинг кўп дуоларини олгансан.

— Отам боладай қувониб кетардилар. Афсуски... — у лабини қимтиб, бош тебратди, — ўқишга кирганимдан кейин бу иш тўхтади: отамга охиригача хизмат қилолмадим. Бу — менга армон бўлиб қолди. — Унинг овози пасайиб чиқди. — Энди отам йўқ...

— Ҳеч ким абадий яшамайди. Мен эса ўзим билан ўзим бўлиб, ота-онамга сенчалик хизмат қилолмадим. Сенга раҳмат, Оллоҳ ажрини берсин.

— Акажон, сиздан илтимос, — у кўзларимга жавдираб қаради.

Мен нима демоқчисан, деган маънода унга кўз тикдим.

— Гоҳида нимадир олиб келсам, мендан ранжиманг.

— Мен фикримни айтдим. Пул орттиролсанг, яхши еб-ич, яхши кийин, уйингни безат, Шаҳинанг ҳеч нимага муҳтож бўлмасин.

— Мени ўйламанг, бобожон. Мен ҳам ўқияпман, ҳам ишлаяпман. Оғирлигимни онамга ташламайман. Онамнинг ниятлари...

Ойдин ниятини ўз оғзидан «гуллагиси» келди:

— Сизни хурсанд қилолсам, отамни хурсанд қилгандай бўламан. Ака, акажон... — у ўрнидан туриб, бошини бошимга қўйди, елкамни сийпалади.

Синглим азалдан ҳаммамизнинг кўнглимизни олишга, ҳаммага яхшилик қилишга интилади. Қизиққи, вужудининг парчаси бўлмиш Шаҳина ҳам айнан онасининг ўзидай: таъби жуда нозиклигиям, «чимхўр»лигиям, бошқаларга яхшилик раво кўриши ҳам...

— Энди, ўзимнинг фаришталарим, — деб юбордим беихтиёр. Кейин ҳушёр тортдим. — Менинг ҳам сизларга аталган тортиқларим бор, қабул қиласизлар. Иккович ҳам! Келишдикми?

— Бобожон, овора бўлманг. Сиз билан бувим хурсанд бўлсаларингиз, шу бизга катта совға...

— Оббо, сен аралашмасанг бўларди, — жиянимнинг сўзини кесиб, бош чайқадим. Сўнг уларни чалғитиш учун дастурхон сари қўл чўздим. — Хўш, балиқ еймизми?

— Еймиз, еймиз, — дея иккаласи ҳам тақсимчага қўл узатишди. Сал ўтиб:

— Ака, акажон... — синглим яна эркаланди, мендан жавоб кутди.

Индамадим. Улар учун байрам баҳона олиб қўйган совғаларимни муддатидан аввалроқ бериб қўйишга қарор қилдим, холос.

***М.САЛОМ** 1938 йили Бухоро вилоятида туғилган. Самарқанд давлат университетининг филология факултетини тамомлаган. "Кечирим", "Юракдаги излар", "Тошлоқдаги хазина", "Севги тори", "Иқрор" сингари кўплаб китоблари нашр этилган.*

БИР МАКТУБ ТАРИХИ

Адабиётнинг чинакам жонкуяри, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ёш ижодкорларга янги асарлари чиқиши муносабати билан мактуб, мақола ва тақризлар ёзган. Хусусан, "Тўлқинлар" қиссасининг журнал варианти эълон этилгач, Шукур Холмирзаевга қуйидаги мактубини битган:

"Ҳурматли Шукур Холмирзаев!

"Шарқ юлдузи"да босилган "Тўлқинлар" повестингизни ўқидим. Повесть яхши таассурот қолдирди. Маъмуржонни бошда табассум билан тасвир этасиз. Бутун асар давомида қисқаликка интиласиз. Ёзувчиликда кўзингиз очилиб келаётгани кўриниб турибди. Назаримда, повестнинг номи тўғри эмас.

Кейинги ишларингиз бароридан келсин.

Салом билан: Абдулла Қаҳҳор".

Эндигина адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорнинг таниқли ёзувчидан шундай мазмунда хат олиши улкан шараф эди. Кейинчалик Шукур Холмирзаев "Абдулла Қаҳҳорни эслаб..." эссесида шундай ёзган:

"Университетнинг тўртинчи курсида ўқиб юрганимда Абдулла Қаҳҳордан хат олдим. Кўп дўстларим хатни кўриб, ҳаяжонга тушишди. Айрим домлаларим мени табриклашди. Лекин мен қандайдир ҳайронлик ичида юрдим: "Ўзлари шу ерда — Тошкентда яшасалар, нега хат ёзадилар?" деб ўйлардим баъзан... Баъзан ўша хатни қайта-қайта ўқиб: "Жавоб ёзсаммикан?" дердим-да, беихтиёр кулимсирардим. Эсимда бор: бир куни мен севган адиблардан бири Носир Фозиловга Абдулла Қаҳҳорнинг мактубини кўрсатдим: "Нима қилай?" дедим. Носир ака: "Э, шоир экансиз-ку! Дарров жавоб ёзинг! Бошим осмонга етди, деб ёзинг!" дедилар. Мен "хўп" деб кетдим-у, кўчага чиқиб яна ҳайрон қолдим: "Бошим осмонга етмаганку?". Бу калимани сўзма-сўз тушунганим йўқ, йўқ, мен, масалан, хурсанд бўлганимни бундай гап билан изҳор этмаслигимни англадим... Йўқ, бу гап — менинг гапим эмас. Ёзсам ҳам, бошқача қилиб ёзарман...".

"Тўлқинлар" қиссаси "Шарқ юлдузи" журналининг 1962 йил, 11-сонида Матёқуб Қўшжоновнинг ихчам сўзбошиси билан "Янги номлар" рукни остида чоп этилган эди. Сўзбошида олим шундай ёзади: "Холмирзаев ҳаётни бевосита тасвирлаш учун ҳаракат қилади. Айтмоқчи бўлган фикрини ҳаёт материаллари бевосита тасвири орқали ифода этади. Меъёрни яхши ҳис қилиб, воқеани батафсил тасвирлайди, иккинчи даражадагиларга кўп ўрин бериб ўтирмайди...

"Тўлқинлар" повестининг марказида Ойна опа образи туради. У ҳаёт тажрибасига бой, кўп ишларни бошидан ўтказган аёл. Асарнинг бошидан охиригача ёзувчини Ойна опанинг икки хусусияти банд қилади. Бири — у халқ ишига содиқ, шу асосда ўз принципларида мустаҳкам турадиган раҳбар; иккинчиси — кўнгли дарёдек кенг, олижаноб бир киши. ...Ёзувчи Ойна опадаги мана шу икки хислатнинг бир кишида қандай қилиб бирлашиб кетишини кўрсата олган. Шу хусусиятлари туфайли Ойна опа Маъмуржонга ишонади. Шу хусусиятлари туфайли у Маъмуржондаги қусурларга қарши кескин кураша олади.

Бу гапларни айта олиш ҳали тажрибаси кам, энди ёза бошлаган ёш автор учун осон эмас, албатта. Мана шундай мураккаб фикрларни айта билиши Шукур Холмирзаевнинг талантли ёзувчи бўлиб етишажагидан дарак беради".

Кузатганимиздек, икки устоз — адиб Абдулла Қаҳҳор ва танқидчи Матёқуб Қўшжонов ёш адибга хайрихоҳлик билан оқ йўл тилашган. Ёш муаллиф Абдулла Қаҳҳордек устозлардан мактуб олгач, табиийки, янада жўшиб, илҳомланиб, "Тўлқинлар" қиссаси устида таҳрир ишларини бошлаб, асарнинг тамомила қайта ишланган янги вариантини яратади. Бу фикримизни Абдулла Қаҳҳор уй-музейида сақланаётган бир мактуб ва "Тўлқинлар" қиссасининг китоб варианти тасдиқлайди.

Гап шундаки, Шукур Холмирзаев устозга 1963 йил 27 декабр санаси билан почта орқали хат ва қиссанинг китоб вариантини жўнатади. Эътибор берсак, орадан бир йилга яқин вақт ўтиб ёш ёзувчи адибга хат ёзишга жазм этган. Бугунги кунда мазкур хат адибнинг уй-музейида сақланмоқда.

Қуйида мактуб матнини тўлиқ келтирамиз:

"Домла Абдулла Қаҳҳор!

Мактубингизни олганимга, мана, роппа-роса ўн ой бўлди. Гарчи мендан жавоб кутмаган бўлсангиз ҳам — мен шундай ўйлайман: жавоб ёзишим керак эди, меҳрибон устозга миннатдорчилик билдиришим керак эди. Лекин кўриб турибсиз, бу нобоп шогирдингиз ёзмай келди, йўқ, ёзолмай келдим. Сабаби:

Хатларида "Маъмуржонни бошда табассум билан тасвир этасиз" дебдилар, охирида-чи? — демак, охирида бир гап бор... (Домла, худди ўша хатингиз келган кезларда ўзим дидига ишонч ва ҳурмат билан қарайдиган бир устоз танқидчидан ҳам сизникига ўхшаш фикр эшитгандим. Бунинг устига ўзим "Т"дан ("Тўлқинлар" қиссаси — М.Қ.) қаноатланмаган, лекин нимасидан қаноатланмаганимни билмай келар эдим... демак бир гап бор — у нима — шуни топсамчи? Сўнг шу асосда "Т"ни қайта ишлаб, сўнг шу ишланган нусхаси билан бирга жавоб хатни ҳам ёзсамчи — қачон қўлимга қалам олмай, шу ўй бошимга келаверарди. Оқибат бу ўй менга маъқул тушди, ишга... ўтирдим. Назаримда, ўша "бир нарсани" топдим ва у, "Т"нинг оҳангидан тортиб, нуқта вергулигача таҳрир киритиб юборди. Бу эса — энди буниси менга шунақаям маъқул тушиб кетдики, "Т"нинг журнал нусхасинй бир четга йиғиштириб қўйиб, қайта бошдан бошладим. Мана тугатдим ҳам, нашриётдан ҳам китобча бўлиб чиқди. Мана, сизга юборяпман... мана, ниҳоят, ўша жавоб хатни ёзаяпман... Домла, ўзим ҳузурингизга элтмоқчи эдим (кулманг илтимос) уялдим. Энди: фикрларингизни тўғри уқдимми, хато уқдимми – буни асар кўрсатади. Аммо севиб, биринчи марта лаззатланиб ёзганим чин. Айтмоқчи, бандролни очишингиз билан кўзингиз ҳам тушган — повестнинг номи ўзгаришсиз қолдирилган. Домла, матбуотда "Т", "Т" деб тилга олинаверганидан отнинг қашқаси бўлиб кетдики, кейин уни яна ўзгартиришни лозим кўролмадим.

Энди охирги сўзим: (хат ҳам чўзилиб кетди) маслаҳатларингиз, меҳрибончилигингиз учун раҳмат, минг раҳмат, домла. Бир шоир йўлга мурожаат қилиб ёзган:

Ҳали кўп бор ўтарман сиздан,
Дилга илҳом сўрарман сиздан.
Ҳисларимга бердингиз қанот,
Шоир бўлсам кўрарман сиздан.

Энди энг охирги сўзим: орзу қиламанки, бундан ..... (қоғознинг шу жойи озгина йиртилган — М.Қ.) *ҳам сизда яхши таассурот қолдирса, сиздан яна мактублар олай, ўзим ҳам ёзай... Дарвоқе, "Шарқ юлдузи"га яна повестча топширдим. Эҳтимол, босиб чиқаришар... "Курсдошлар" номли бошқа қиссамни ҳам ёзиб тугатдим. Уни ҳам эрта-индин бирон ерга топширарман. Шу топда хаёлимга бир гап келди: "Т"ни тузатаман деб бузиб қўймадиммикин? Шу ҳақда сиздан (бирон йўл билан, масалан, хат орқалими) икки оғизгина сўз эшитишни истардим жуда, жуда.*

Шогирдингиз Шукур (имзо)

27. XII.63 йил"

Абдулла Қаҳҳор мактубни ўқиб, сўзга талабчанлиги боис баъзи жойларига қалам тегизган: хат матнидаги айрим ортиқча сўзларни ўчирган, баъзисини халқона, жонли бошқа сўз билан алмаштирган. Аммо бундай таҳрирлар кўп эмас.

Устоздан олган мактубдан сўнг Шукур Холмирзаев салкам бир йилга яқин вақт ичида "Тўлқинлар" қиссаси устида қандай ишлаган? Асарнинг қайси ўринлари, тасвири, лавҳаларига қайта таҳрир киритган? Албатта, бу масалани ойдинлаштириш учун 1963 йили китоб ҳолида чоп этилган "Тўлқинлар" қиссаси матнини журнал варианти билан қиёслаб кўриш саволларимизга аниқлик киритади. Шу мақсад билан "Тўлқинлар" қиссасининг журнал ва китоб матнини солиштириб кўрдик.

"Тўлқинлар"нинг китоб варианти 1963 йили 10 000 нусхада нашр этилган. Асар журнал вариантда жами 13 бобдан, китобда эса 9 бобдан иборат. Ёш муаллиф қиссанинг китоб варианти устида жиддий тер тўккани шундоқ кўриниб турибди. Бу, аввало, боблар сонининг ўзгарганида кўринади. Матндаги ички ўзгаришлар, унинг мазмунида, асар сюжети ва композициясини ташкил этган табиат лавҳалари, экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим, қаҳрамонларнинг психологик ҳолатларини акс эттирган тасвирларгача таҳрир, қўшимча бадиий тафсилот, мантиқий далиллашлар, лавҳалар ҳисобига бойитилиб, тўлдирилган. Натижада асар бадиияти ва ғояси мукаммаллашган. Ҳатто қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари, диалог ва ички ўйлари китоб вариантда ўзгаришга учраб, бадиий тасвирлар тиниқлаштирилган.

Қиссанинг, айниқса, 4-боби жиддий қайта ишланган. Бобга янги тасвирлар, саҳифалар қўшилган. Гап шундаки, конда ҳалок бўлган Санамнинг турмуш ўртоғи Умар ва у билан боғлиқ қаҳрамон хотиралари журнал вариантда учрамайди. Китобхон Санамнинг мусибатидан шу тариқа хабар топади. Ёзувчи китоб вариантда Санамнинг почтахонадан қайтиб келгач, айвон устунига суяниб, "оқ тасмадай оқариб кўринаётган дарёга қараб хаёл суриб" ўтмишини, яъни Умар билан боғлиқ хотираларини беради. Унда Санам билан Умарнинг бахтли ҳаёти, чорбоғ ҳовли уйи, ёш оиланинг қисқа, аммо масрур кунлари ҳикоя қилинган. Ваҳоланки, қаҳрамон ўтмишини тавсифловчи бундай саҳифалар журнал вариантда йўқ.

Китобда қаҳрамонлар ўтмиши (Ойна опа, Санам, Маъмуржоннинг ўтмишидаги фожиалар) чуқур асосланган. Журналдаги 9-боб китоб вариантда 8-бобга қўшиб юборилган. 8-бобга ҳам янги батафсил тасвирий лавҳалар қўшилган. Хусусан, бу лавҳалар Ойна опа билан Маъмуржоннинг яқиндан танишиши билан боғлиқ. Умуман қиссанинг журналдаги 9, 10, 11, 12, 13-боблари жиддий таҳрирга учраган.

Қисса ечими китоб вариантда анча кенгайтирилган, нафақат ҳажм жиҳатдан бойиган, психологик жиҳатдан ҳам чуқурлаштирилган. Хусусан, бу бадиий теранлик рамз, тимсол ва деталларда, Маъмуржоннинг ички руҳий драмасини батафсил, жонли, табиий, ишонарли акс эттирилишида кўринади.

Хуллас, қисса матнининг журнал ва китоб варианти ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Журнал вариантда қисса ечимида букри тол ва харсанг тош рамзлари йўқ. Ш.Холмирзаев ижодининг илк босқичидаёқ, масалан, "Тўлқинлар"да бадиий шартли рамзларга мурожаат этган. Яъни ёзувчи букри ўсган тол, унинг тўғри ва тикка ўсишига халақит берган харсанг билан Маъмуржон ва унинг тутинган отаси ҳаётини параллел ҳолда беради. Ёзувчи букри тол (Маъмуржон) ва харсанг тош (тутинган бухгалтер ота) рамзий образлари воситасида ёш йигит ва давлат мулкини талон-тарож қилишга ўрганиб қолган қаллоб бухгалтер образларига тимсолли ишоралар қилади.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ва шогирд Шукур Холмирзаев ўртасидаги ёзишмалар мана шундай қизғин жараёнга рағбат уйғотган. Кейинчалик, устоз вафотидан сўнг, Шукур Холмирзаев "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг "Абдулла Қаҳҳорнинг сизнинг ижодий тақдирингиздаги ўрни нимада?", деган саволига қисқагина шундай жавоб беради: "Абдулла Қаҳҳорни йўқ деб, яъни ҳаётга келмаган, ҳикоялар ҳам битмаган, қиссалари, "Сароб" ҳам — бизнинг хаёл деб кўзимни юмдим. Дунё қоронғи бўлиб қолди. Ўзим ҳам... йўқ бўлдим. Кўзимни очсам, у қаршимда. Демак, ўзим ҳам борман".

Шукур Холмирзаевнинг адабиёт майдонига кириб келишида, ёзувчилик сабоқларини пишиқ-пухта эгаллашида Абдулла Қаҳҳор ва Матёқуб Қўшжоновнинг хизматлари беқиёс. Зеро, ёзувчи 2003–2004 йиллар орасида Қўшжонов домла ҳақида "Бу кишим — устоз, мен — шогирд" номли эссе-хотира ёзди. Муаллиф домлага нисбатан ўзининг самимий муносабати ҳақида эссенинг муқаддима қисмида шундай дейди: "...бу майдонда дастлаб дуч келганим ва

Устозлар ибрати

қўлимдан тутиб адабиёт даргоҳига олиб кирган, унинг пасту баланди, сиру синоатлари ҳақида илкинжи ва назаримда, энг холис маслаҳатларни бериб, йўлга солиб юборган валинеъматим Матёқуб Қўшжонов ҳақида ҳарчанд ёзишга ўтирмайин, қийналиб қолардим".

Абдулла Қаҳҳор ёш ижодкорларга доимо хайрихоҳ бўлди, бинобарин, адибнинг "Ёшлар билан суҳбат" китобининг "ёшлар" сўзи билан боғланиши тасодиф эмас. Адибнинг Уймузейида сақланаётган кундалигида шундай қайдлар учрайди: "Ҳозирги ишингда санинг илминг ҳам йўқ, арзон тақачиликдан бошқа ҳунаринг ҳам йўқ; аҳволинг шу бўлса, сал кунда ёшларнинг оёғи остида қолиб кетасан. Адабиётда Шукурлар, Ўткирлар, Учқунлар пайдо бўлган. Шуларнинг оёғи остида қолиб кетасан! Сени ҳеч ким кўтариб ололмайди, ўзингни ўзинг кўтарасан, унда сенга қийин бўлади! Мўмин Кофирлар адабиёти қолиб кетди, бугун Пиримқуллар, Одиллар, Саид Аҳмадлар адабиёти! Ҳусниддин Шариповлар, Эркинлар, Абдулла Ориповлар, Гулчеҳралар, Ойдин Ҳожиевалар адабиёти! Танқидда Озод, Умарали, Қўшжоновлар бош кўтарган!".

Мазкур кўчирмага тадқиқотчи О.Жўрабоев шундай характеристика беради: "Дастхат. Матн араб ёзувида сарғиш ранг қоғозга кўк ранг сиёҳда ёзилган. Йили йўқ (Тахминан 1960-йиллар). 1 ҳужжат. 1 варақ. Ўлчами: 19,5Х28 см.". Ҳақиқатан ҳам, Абдулла Қаҳҳорнинг мазкур кўнгил иқрорлари умрининг сўнгги йилларида, эҳтимол, вафотига яқин вақт оралиғида ёзилгандир. Бу пайтга келиб устоз адиб замонавий ўзбек адабиётига янги, истеъдодли адабий тўлқин кириб келганини ички сезимлари билан англаб етган. У бу катта, ҳайбатли тўлқин олдида ўзини анча кучсиз сезгандек.

Ёш истеъдодларни тан ола билиш учун ҳам катта ички маданият талаб этилади. Абдулла Қаҳҳор эса ёш замондош ижодкорларни нафақат мардларча тан олди, балки уларга пешвоз чиқди, устозлик қилди. Вақти келиб атоқли адиб қўллаб-қувватлаган бу ижодкорларнинг ҳар бири ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг машҳур, таниқли вакилларига айландилар.

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

ҚАЛБ ВА АҚЛ ДОНОЛИГИ

Адабиёт дунёга эркинроқ назар ташлашга имкон беради. У берадиган таскин антиқа ва сирли.

Франтс КАФКА

* * *

Кафкани кўпчилик танимасди... Ўзи тортинчоқ, серташвиш ва сахий бўлса-да, аммо ёзган китоблари шафқатсиз ва дардли эди. У ҳимоясиз инсонни абгор қилаётган кўз илғамас махлуқларга тўла дунёни кўриб турарди. Ниҳоятда узоқни кўра оладиган бу доно киши ажойиб ва олижаноб зотларга ўхшаб курашишга мутлақо ожиз эди.

Милена ЕСЕНСКАЯ

* * *

Буюклик мукаммалликни орзу қилмоқ, бўй етмас чўққига қўл чўзмоқ ва охир-оқибат мағлубиятга учрамоқдир.

Уильям ФОЛКНЕР

* * *

Адабиётда ғоя — бу ёзувчининг шахсий кечинмалари ва ҳис-туйғулари, унинг сурури, унинг ахлоқи, мафкураси, дунёқараши, бошқача айтганда, бой ва қадр-қиммати юксак қалбининг донолигидир.

Бундан бошқача ёндошилганда эса, бу шунчаки ақл билан ўйлаб топилган образлар, соф интеллектуал чечанлик, таг-заминсиз назария ва концепциялар, яъни "миянинг донолиги", холос.

Хагивара САКАТАРО

* * *

Барча китобларда бошқа китоблар ҳақида гапирилади, ҳар қандай тарих илгари гапириб берилган тарих ҳақида сўзлайди.

* * *

Постмодернизм — бу модернизмга жавоб: ўтмишдан кўз юмишнинг иложи йўқ; ўтмишни қувноқ кулги, беғараз киноя билан қайта тушунишга уринмоқ керак.

Умберто ЭКО

* * *

Илм — инсон муаммосини ҳал қилиш йўлидаги илк босқич. Кейинги босқич — ахлоқ. Санъат эса, энг сирли, энг ардоқли қатламга етиб боришга уринишдир.

Санъат шундай ғаройиб, ҳиссий қуролдирки, инсон бошқа бирор-бир йўл билан ифодалай олмайдиган нарсасини шу қурол билан ифодалайди.

Хосе Ортега-и-ГАССЕТ

* * *

Бадиий ижодга интилишга маданиятнинг ютуғи сифатида қарамаслик керак, балки уни инсоннинг азалий руҳий эҳтиёжи, деб ҳисобламоқ лозим.

Пер ЛАГЕРКВИСТ

Тақриз

Мажоз ва рамзийлик жаҳондаги барча халқлар адабиётига хос хусусиятлар эканлиги маълум. Тўғри, агар қиёсан ўрганиладиган бўлса, бу соҳада Ғарбдан кўра Шарқ адабиёти устунроқ, яъни бойроқдир. Мажоз ва рамз ўрта асрларда форсий ва туркий адабиётда ўта юксак тараққиёт босқичига кўтарилди.

РАМЗ ВА МАЖОЗ ТАЛҚИНЛАРИ

Бугина эмас, диний, фалсафий, илмий асарлар ҳам рамзийлик ва мажоз билан шунчалик чуқур суғорилган эдики, бунда улар бадиий адабиёт билан бемалол беллашарди. Чунончи, агар биз Алишер Навоийнинг машҳур "Лисон ут-тайр" достонидаги Семурғ ва Ҳудҳуд сингари образлар генезисига қизиқсак, ишни Абу Али ибн Синонинг "Рисолат ут-тайр", Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг "Кимёи саодат", "Рисолат ут-тайр", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асарларидан ҳам олдинроқ яратилган ёдгорликлардан бошлашимизга тўғри келади.

Сўнгра Жалолиддин Румийнинг "Маънавий маснавий"си ва Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини ўрганиш навбати келади.

Ёш адабиётшунос Зуҳра Мамадалиеванинг "Лисон ут-тайр" образлари: рамз ва мажоз олами" ("Тамаддун" нашриёти) монографияси мутолааси давомида ҳаёлимдан юқоридаги фикрлар ўтди.

Аёнки, ўтган асрнинг "Лисон ут-тайр"шунослигидаги бир нуқсон мутахассисларни қийнарди: бу — методологик исканжа эди. Факт илмий талқинга тўғри келмасди. Ҳатто Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони фалсафий-тасаввуфий концепцияси Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарининг бош тамойилига қарама-қарши қўйиларди. Ҳақиқий "Лисон ут-тайр"шунослик Истиқлол даври олимлари асарларида юз кўрсатдики, шулардан энг кейингиси Зуҳра Мамадалиева монографиясидир.

Талабчан устоз Нажмиддин Комилов мактабида етишган бу тадқиқотчи текширишлари сўз камлигию фикрга, фактга бойлиги, тадқиқотнинг тизимлилигию теранлиги билан китобхоннинг эътиборини тортади. Муаллифнинг Шарқда яратилган фундаментал адабий-илмий, илмий-маърифий, диний, фалсафий асарлардан кенг миқёсда воқифлиги ушбу китобнинг уччала бобидан яққол сезилиб туради. Биргина Семурғ образи тадқиқи генезиси чизиғига назар ташланса, бунга амин бўлиш мумкин. Китоб бўйлаб ўтадиган ёрқин чизиқлар — тизимли илмий фикрлар шодаларининг биринчиси — энг қадимги даврлардан (тотемизм замонларидан) асосан Алишер Навоий давригача яратилган асарлардаги қушлар, ҳайвонлар, пайғамбарлар, подшоҳлар, шайх-муршидлар, адабий қаҳрамонларнинг бадиий образлар сифатидаги талқини берилган. Иккинчиси, ана шундай кенг қамровли мифологик, диний, тарихий тушунчалар ва адабий персонажларнинг ҳар бирининг тасаввуфий талқини юзасидан мушоҳадалар юритилган.

Четдан қараганда образлар таҳлилида қушлар сафарлари тизимидаги асарлардан атрофга чиқиб кетиш ҳолатлари бордай туюлади. Чунончи, Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр", Гулшаҳрийнинг "Мантиқ ут-тайр", Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр", Қози Ризо Пайвандийнинг "Қуш тили" асарлари қаторида форс ва туркий адабиётдаги ўндан ортиқ асарларга мурожаат қилганда, бу иш шундай ўта қисқалик ва эҳтиёткорлик билан бажарилганки, тадқиқотчининг зимдан теваракка ташлаган нигоҳи ҳам керакли бўлиб туюлади, асосий йўлдан чалғигани сезилмайди. Балки бунда у шу соҳа тадқиқига ҳисса қўшган устозлар ютуқларини қайд этиш тақозосига амал қилади, холос.

Ана шу холис эътирофлар тадқиқ қамровини ошириб, ўқувчининг ушбу муаммо ҳақидаги тасаввурларини яхлитлаштиришга хизмат ҳам қилади.

Ишнинг тасаввуфий талқини қисми ҳам оҳорли фикрларга бойдир. Агар биз Шарқ шеъриятида тасаввуфнинг анча кенг ишланганини инобатга олсак, ушбу тадқиқотчи танлаган мавзудаги эпик асарлар образларининг тасаввуфий талқини бу соҳани теранлаштиришда нечоғли муҳимлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Зуҳра Мамадалиева зукколик билан Семурғ ва Анқо образларида иккилик бўлмаслиги учун Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асаридаги Семурғнинг бир номи Анқо эканлиги ҳақидаги мисрасини келтиради:

Ҳам лақаб ул Қоф уза Анқо анго.

Тасаввуфда ўзак масалалардан бири ўзаро чамбарчас алоқадор – фано ва бақо бўлгани учун тадқиқотчи бу муаммо аниқ ҳал этилган Навоий байтини ўринли келтиради:

Фонийи мутлақдурур худ бақо,
Истасанг қилмоқ керак ўзни фано.

Эпик асарлардаги талқин миқёсининг кенглиги яна бир жиҳатдан аҳамиятлики, китобхон (олимдир ёки талабадир) булар билан танишгач, мумтоз адабиётнинг бошқа эпик асарлардаги тасаввуф тамойилларини мустақил илғай олиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу рисолани нафақат "Лисон ут-тайр"шунослик, балки умуман ўзбек мумтоз адабиётидаги образлар генезисини теран текшириш ва тасаввуфшунослик соҳасига қўшилган ҳисса, дегимиз келади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Ўзбек мултипликациясини янада ривожлантириш, соҳани дунё андозалари даражасига кўтариш йўлида изланаётган Мавзур Маҳмудов, Нозим Тўлахўжаев, Светлана Муродхўжаева, Дмитрий Власов, Сергей Чуфарнов, Григорий Матевосян каби фидойи ижодкорлар орасида Жалол Турдихўжаевнинг ҳам ўрни бор. Ёш бўлишига қарамай, мултипликациядек сермашаққат жараёнда рассом, аниматор, режиссёр, бастакор сифатида фаолият кўрсатаётган Ж.Турдихўжаев шу кунга қадар "Турон Ботир", "Дангаса", "Моҳир қўллар", "Йўл ва болалар", "Донишманд шогирд", "Чархпалак", "Меҳр ва Суҳайл", "Донишқишлоқ ҳангомалари", "Деҳқон" каби мултфильмларни суратга олган.

Суҳбатимиз соҳанинг ўзига хос машаққатлари ва қизиқарли жиҳатлари ҳақида.

НЎХАТ ПОЛВОН ВА БОЛАЛАР

Учрашув

— Жалол ака, мултфилмларни фақат болалар эмас, катталар ҳам қизиқиб томоша қилишади. Лекин бу қизиқарли жараённинг машаққатлари ҳам кўп. Шундай мураккаб соҳани танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Расм томоша қилишни ҳамма болалар яхши кўради. Лекин мултфилмлар суратлар асосида ҳаракатланишини билганимда бунга жуда ҳам қизиқиб қолганман. Бир куни акам қоғозга суратлар чизиб, ҳаракатлар қандай содир бўлишини тушунтириб берган. Шундан сўнг қизиқишим янада ортган. Суратларга қизиқишимни кўрган онам мени рассомлик билим юртига олиб борди. Бу ерда рангтасвир бўлимида таълим олдим. Телевизор орқали Дисней мултфилмларининг яратилиш жараёнини кўрганимдан сўнг, анимация йўналишида ишлашга қатъий қарор қилганман. Ҳар бир кўриниш устида деталма детал синчковлик билан ишлаб, юқори натижага эришишни хоҳлайман. Қанчалик кўп вақт, машаққатли меҳнат талаб қилинмасин, мен учун натижа муҳим. Болаларга завқ бағишлаш билан бирга мултфилмлар орқали уларнинг эстетик диди ўсишига, тасаввури кенгайишига ҳисса қўшишни истайман.

—Мултфилмда фикр ва ҳаракатни ранг етказиб беради. Ранг танлашда нималарни инобатга оласиз, доимий ишлатадиган ранглорингиз борми?

— Ранглар филмнинг мавзу ва жанридан келиб чиққан ҳолда танланади. Масалан, тарихий мултфилмларда сарғиш, оққора ранглар кўпроқ ишлатилади. Ранглар ёрқин, ўзига хос бўлиши зарур. Асосан фантазиямга таянган ҳолда асарларим, қаҳрамонларимга ранг бераман. Бундан ташқари, ижобий ва салбий қаҳрамон яратишда ҳам ранглар турлича қўлланади. Айтайлик, салбий қаҳрамонларга совуқ ранглар, масалан, қора, тўқ жигарранг, қуюқ бўёқлар ишлатилади. Рассомнинг қайси рангдан кўпроқ фойдаланиши асосан унинг ички оламига, сезгиси ва тасаввурига боғлиқ. Руҳшуносларнинг ҳам инсоннинг характерини аниқлашда баъзида ранглардан фойдаланишади-ку. Шу ўринда бир ҳолатни ҳам айтиб ўтиш ўринли. Агар ранглар нотўғри танланса, қаҳрамонлар беўхшов кўринишда кўрсатилса, болаларда нотўғри қараш, кўрқув ва ҳайиқиш пайдо бўлиши мумкин. Ўзбек мултипликациясида бола қалбига озор етказадиган саҳналар берилмайди.

— Ижодда дастхат, шахсий йўналиш деган тушунчалар бор. Сиз ўз услубингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Кўпроқ юморга бой саҳналар, қизиқарли ўйинлар ва қаҳрамонлар чизишга эътибор бераман. Қаҳрамонларим оддий, механик тарзда чизилмасдан, жонли ҳаракатланишига интиламан. Суратларимдаги контур чизиғининг қалинлиги йиллар давомида шаклланиб, дастхатимга айланган. Дисней мултфилмларида бирон қаҳрамонни яратишдан олдин унинг шаклшамойили чизиб олиниб, геометрик шакллар орқали объектнинг хомаки кўриниши тасвирланади. Бунда қаҳрамонлар ёрқин, уларнинг ҳаракати нафис, пластикаси ёқимли бўлади. Болаларга экрандаги кўринишлар қанча гўзал бўлса, шунча яхши.

— Аксарият болалардан қандай ўзбек мултфилмларини билишлари ҳақида сўралганида, "Сеҳрли сандиқ" (Зумрад ва Қиммат), "Бахтиёр шаҳзода", "Хўжа Насриддин" каби филмларни мароқ билан томоша қилишларини айтишади. Бугунги ўзбек мултқаҳрамонлар ҳақида эса фикр билдира олишмади. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Мултипликацион кино ижодкорлари тинимсиз меҳнат қилиб, мукаммал асарлар яратишга ҳаракат қилишмоқда. Қаҳрамон муаммоси фақат режиссёр, рассом ёки аниматорнинггина эмас, балки сценарийчи ҳамда дубляж усталарининг ҳам зиммасидаги масъулиятдир. Негаки, сценарийда тасвирланган қаҳрамон рассом ва аниматор томонидан "жонлантирилади". Эсда қоларли сўз ва ибораларга бой, ҳам тасвирий, ҳам бадиий мукаммаллик даражасидаги асарлардангина яхши мул-

тфилмлар ишланиши мумкин. Шунингдек, мусиқа танлашга ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Асар ҳамда қўшиқ матни болалар тилига мос, мураккаб сўз ва жумлалардан ҳоли бўлиши шарт. Болаларни қизиқтирадиган, уларга ёқадиган, сержавқ куй-қўшиқлардан фойдаланиш керак. Агар шу мезонларга қатъий риоя қилиб мултасар яратилса, ижобий натижага эришиш мумкин. Умид қиламизки, биз ишлаётган бугунги мултфилмлар ҳам жаззи томошабинлар хотирасида узоқ сақланади. Чунки бугун ҳар бир ижодкор ўз фаолиятида миллий қадриятларнинг устуворлигига жиддий аҳамият бермоқда. Аксарият мултасарларда қадимдан шаклланган урф-одатларимиз акс эттирилаяпти.

— Билишимизча, мултфилмларга куй ҳам басталар экансиз. Мусиқа санъати билан қай даражада яқинсиз?

— "Йўл ва болалар" мултфилми устида ишлаётганимизда, бастакор Альберт Холмирзаев ижодий сафарга борадиган бўлиб қолди. Шунда ўзим куй яратишга ҳаракат қилиб кўрганман. Натижа ёмон бўлмади. Чунки болалигимдан мусиқага ҳам қизиққанман. Сабаби, оиламизда отам Турсун Турдихўжаев рубоб, тор чалиб, қўшиқ ҳам айтган. Акаларим Равшан, Рустам, Даврон "Сўғдиёна" ансамблида соз чалишади. Шундай бўлса ҳам мултфилмга қўшиқ басталай оламан, деб ҳеч ўйламагандим. Шароит тақозоси билан ёзган куйим ижодий ҳамкорларим томонидан яхши баҳоланганидан хурсанд бўлдим.

— Бизда хонандаларнинг клипларида мултипликациядан фойдаланиш кенг тус олмаганди. Сизнинг Сардор Раҳимхон, Райҳон, Шаҳзода каби хонандалар қўшиқларига ишлаган мултлавҳа, клипларингизнинг ғоя муаллифи ким? Умуман, бу ижод тури билан шуғулланишингизнинг сабаби нимада?

— Мултипликацион клиплар 20-30 йиллар олдин ҳам бўлган. Фақат сифат жиҳатдан фарқ қилган, холос. Шахсан ўзимни бу йўналишда ишлашга режиссёр ва клипмекерлар жалб қилишган. Ушбу йўналишда биринчи марта ҳаваскор жаззи қизчанинг қўнча ҳақидаги қўшиғига анимацион фон ҳамда қаҳрамонлар чизиб берганман. Илк йирик клипим эса хонанда Сардор Раҳимхоннинг "Агар-агар" қўшиғига ишланган саҳналардир. Мазкур клип режиссёр Шерзод Раҳматуллаев ғояси асосида яратилган. Кейин Азиз Муҳаммедов сценарийси асосида режиссёр ва аниматор сифатида Райҳоннинг "Сени дея" қўшиғи матнига мос саҳналар ишлаганман. Бу йўналишдаги охирги ишим хонанда Шаҳзоданинг «Чико», «Юрак» тароналаридаги ишларим бўлди. Клипдаги саҳна ва қаҳрамонлар томошабинлар томонидан илиқ қарши олинганидан хурсандман. Клипга Санжар Мадкаримов режиссёрлик қилган.

— Шу кунларда «Ўзбекфилм» киностудияси қошидаги мултипликацион филмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида илк бор тўлиқ метражли «Нўхат полвон» филми устида иш олиб борилаяпти. Режиссёрлар Дмитрий Власов ҳамда Нозим Тўлахўжаев бошчилигидаги ижодий жамоада сиз ҳам борсиз. Айни вақтда иш жараёни қандай кечаётгани ҳақида билмоқчи эдик. Яна қандай ниятларингиз бор?

— Мазкур филмда постановкачи рассом сифатида қатнашяпман. Мултфилмнинг хомаки нусхаси чизилди, асарнинг режадаги ҳолати ҳам чизиб тамомланди. Ҳозирги кунда мултфилмнинг барча саҳналари бир бутун ҳолга келтирилиб, фақат асосий ҳолатлар чизиб чиқиляпти.

Ниятга келсак, албатта, ижодкор ҳамиша орзу-режалар билан яшайди. Менда болалар ҳақида мултсериал ишлаш истаги пайдо бўлди. Ҳозирча тасаввуримда мавзу ва қаҳрамонларни жонлантираяпман. Насиб қилса, у ўзида умуминсоний ғояларни мужассам этган асар бўлади. Режада яна бир нечта ғоялар бор. Шу ўринда бир истагимни ҳам айтиб ўтмоқчи эдим. Болаларимиз театрга спектакл кўришга боргани каби, киносаройларда ўзбек мултфилмларини томоша қилишларини истайман. Энг нуфузли киносаройларда мултфилмларнинг тақдимотлари ўтказилишини орзу қиламан.

Динора ПИРМУҲАММЕДОВА
суҳбатлашди.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Тақдимот

Яқинда Ўзбек давлат драма театрида ёш ижодкор Сардор Ҳамроев қаламига мансуб "Гумроҳ" асари асосида саҳналаштирилган спектаклнинг премераси бўлиб ўтди. Асарда ХХ аср вабоси — гиёҳвандлик иллати ва унинг салбий оқибатлари ҳақида сўз боради.

Фарзанд тарбиясида жамоатчиликнинг ўрни нечоғли катта бўлмасин, асосий устун оилада қўйилишини, жигарбандининг ҳар лаҳзалик ҳаётидан ўз вақтида огоҳ бўлиб туриш ота-она бурчи эканини унутмаслик лозим. "Гумроҳ" спектакли ижодкорларининг мақсади томошабинни огоҳ этишдир. Томошада ёлғиз ўғлига ҳам дўст, ҳам ота бўлиб тўғри йўл кўрсатиш ўрнига, уни шахсий ва моддий манфаатлар занжирига боғлаб қўйган, алал-оқибат ўзи ҳам шу занжирда бўғилиб ҳалок бўлган ота образи орқали муаммонинг илдизи аслида оилада экани кўрсатилади. Она ҳам ўғлининг орзуларига панжа ортидан қарайди. У учун ўғлининг орзулари амалга ошишидан кўра, оилага кириб келаётган пулларнинг қадри баландроқ. Асосий образлардан бири ўғил — Нурбекнинг тақдири томошабинни ҳаётга теранроқ назар солишга чорлайди. Ўқиб келажакда прокурор бўлиш орзусида юрган содда йигит кутилмаган вазият сабаб катта муаммолар гирдобига тушиб қолади. Охир-оқибат гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлади.

Иззатилла образи спектаклда кўтарилган муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи шахсларнинг умумлашма вакили сифатида намоён бўлади. Бой-бадавлат оилалар фарзандини оғуга ўргатиш орқасидан кун кўрувчи ўта айёр шахс образини саҳнага олиб чиққан актёр Самиддин Лутфуллаев вазифасини аъло даражада уддалаган. Бир қарашда Иззатилланинг мақсади очиқ кўриниб тургандек. Уни ортиқча таърифлашнинг ҳожати йўқдек гўё. Аммо бу образнинг шундай майда қирралари борки, айнан шу ўткир қирралари билан жамиятни яралаб бораверади. Фақат ёмонликкагина хизмат қилувчи ақлини ўз фойдаси йўлида мукаммал ишлатади ва ҳеч қачон ортидан из қолдирмайди. Актёр ундаги минг бир хил товланишларни маҳорат билан намоён этади.

— Актёрнинг саҳнага чиқишдан мақсади, фақат томоша кўрсатиш бўлмаслиги керак, — дейди актёр С.Лутфуллаев. — Драматург ва режиссёр илгари сурган ғояни яна ҳам ёрқин ва тушунарли қилиб етказиш бизнинг асосий вазифамиз. Қаҳрамоним Иззатилла қиёфасини яратишда нутқдан тўғри фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада устоз Афзал Рафиқовнинг маслаҳатларига таяниб иш кўришга ҳаракат қилдим. Спектаклдан мақсадимиз жамиятда учраб турадиган салбий ҳодисалардан одамларни ўз вақтида огоҳ қилишдир.

— Томоша ижодкорлари ўзларига юклатилган вазифани яхши уддалашган, — деди драматург Инобат Турсунова. — Актёрлар ижроси ҳам қониқарли. Албатта, мутахассис нигоҳи билан қараганда, айрим майда камчиликлар кўзга ташланади, аммо булар кейинги намойишлар давомида тўғриласа бўладиган ҳолатлар. Спектакл якунидаги саҳна кўриниши, яъни гиёҳфуруш Иззатилла ҳамда унинг янги ўлжаси томошабинлар орасига кириб кўздан йўқолиши жуда таъсирли чиққан. Бу билан ижодкорлар "Кўзингизни каттароқ очинг, бундай кимсалар ўз орамизда", демоқчи.

Спектаклни ёш режиссёр Ғафур Мардонов саҳналаштирган. Асосий ролларни Самиддин Лутфуллаев, Илҳом Очилов, Тўлқин Набихўжаев, Нилуфар Асомова, Ғайбулла Жуманов, Гўзал Пайзиева, Камолиддин Раҳмонов, Равшан Балиқулов, Беҳруз Қурбоналиев ва бошқалар ижро этган.

Умида ҒАФФОРОВА

МУМТОЗ НАВОЛАР МЕҲРИГИЁСИ

Ҳавасингиз келади

Яхшиларнинг айтган сўзлари ҳам, қилган аъмоллари ҳам яхшидир. Бобур ҳазратлари гўзал бир ғазалда битганларидек:

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар дахр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Ҳазратнинг бу сўзлари пойтахтимизнинг муҳташам гўшаларидан бири — "Истиқлол" санъат саройида бўлиб ўтган "Назм ва наво" кечасида яна бир бор тасдиғини топди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазаллари асосида янграган ашулалар дилларга ором бағишлаб, томошабинлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотган бўлса не ажаб.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур концертда таниқли санъаткорлар Муножот Йўлчиева, Матлуба Дадабоева, Замира Суюнова, Ғуломжон Ёқубов ва бир қатор санъаткорлар билан бирга ёш эстрада хонандалари ҳам қатнашдилар. Улар ижросидаги "Ушшоқ", "Гулзорим", "Сенсиз мушкулдур", "Сочининг савдоси" сингари Навоий, Бобур ғазаллари билан янграган гўзал ашулаларни тингловчилар куй оҳангига мос, тебраниб тингладилар. Гулсанам Мамазоитова, Абдурашид Йўлдошев, Алишер Файз, Отабек Муҳаммадзоҳид, Малика Эгамбердиева, Баҳром Назаров каби таниқли эстрада хонандалари ижросидаги "Келгай", "Кимда бор", "Ованораман", "Тараҳҳум қилмадинг", "Қолмасун", "Ё, раб" каби ашулаларнинг замонавий талқини ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмади. Умуман, дастурнинг тингловчиларга манзур бўлгани, уларнинг олқишларидан, "Яшанг", "Барака топинг", деган хитобларидан яққол сезилиб турди.

— Залдаги руҳият, томошабинлар кайфияти бизга ҳам жуда яхши таъсир қилди, — дейди ушбу концертда актриса Дилноза Кубаева билан бирга бошловчилик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Қаюмов. — Концертдан бир кун олдин шамоллаб қолдим. Ҳатто Бобур ғазали билан "Шароб" ашуласини айтишга ҳам чўчиб тургандим. Чунки жонли ижрода "тиқ" этган товуш ҳам билинади. Хонанда Отабек Муҳаммадзоҳидда шунга ўхшаш бир хавотир бор экан. Шукрки, ҳаммаси кўнгилдагидек, кутилганидан ҳам яхши бўлди. Назаримда, бизни устоз Навоий ва Бобур руҳлари қўллаб-қувватлаб турди.

Кези келганда яна бир нарсага алоҳида тўхталмоқчи эдим. Залда ёшларнинг кўплиги, уларнинг куй-қўшиқларга муносабати ҳам биз ижодкорларга илҳом бағишлади. Айниқса, мақом ансамблининг аъзолари орасида истеъдодли, мумтоз ашулаларга меҳри баланд, овози қалбларга завқ бағишловчи хонандалар кўплигини кўриб беихтиёр ғурурланиб кетасан, миллий мусиқамиз эртаси ишончли қўлларда эканидан хурсанд бўласан. Бу эса шубҳасиз, юртимизда ёшлар санъатига берилаётган эътибор, улар ўз истеъдодларини намойиш этишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар натижасидир. "Назм ва наво" кечасининг яна бир ибратли томони шунда бўлдики, дастур давомида буюк шоирларимизнинг жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олган, инсонларни эзгулик ва комилликка ундовчи ўлмас шеъриятидан намуналар ўқилди.

Ҳазрат Навоий ва шоҳ Бобур адабий меросининг ёшларимиз тарбияси, маънавиятига катта ҳисса бўлиб қўшилишига хизмат қилувчи мазкур концерт дастурини иқтидорли ёш режиссёр Асқар Холмўминов тайёрлагани ҳам ёшларимизнинг аждодлар маънавий меросига меҳр-муҳаббати юксаклигини намоён этиб турибди.

Г.УМАРОВА

Нигоҳ

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ОЛАМИ

Халқаро Маданият карвонсаройида Фахриддин Абдужабборовнинг "Ўзбек қўғирчоқлари" кўргазмаси ташкил этилди. Экспозициядан ўрин олган қирқта қўғирчоқ ҳунарманд Дилфуза Эсоналиева ижодига мансуб. "Кўза ушлаган қиз", "Малика", "Мусиқачилар", "Шарқ аёллари", "Фарғоналик келин-куёв", "Сурхондарёлик келин-куёв", "Алла" сингари сополдан ясалган қўғирчоқлар юз-кўзи, тақинчоқлари, либослари бир-бирига мутаносиблиги билан томошабинларда қизиқиш уйғотди.

— Қўғирчоқларнинг ҳар бир деталида, тақинчоғи, либоси, юз кўринишларида миллий руҳ акс этиб туришига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Д.Эсоналиева. — Шу боис уларни кийинтиришда атлас, адрас, беқасам, парча, сатин сингари миллий матоларимиздан кенг фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Айни пайтда замонавий кўринишдаги қўғирчоқларимизда ҳам халқимизнинг маънавий руҳини акс эттириш биз, уста-ҳунармандларнинг вазифасидир.

Тадбир

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг маънавий ва ижодий камолотида бугун санъат йўналишидаги ўқув даргоҳларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар давом этаётгани эътиборга лойиқ. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 18-Болалар мусиқа ва санъат мактабида Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020-йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида тизимда амалга ошириладиган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Мутасадди ташкилотлар, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда ўтган йиллар давомида бу йўналишда амалга оширилган ҳамда оширилиши режалаштирилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Янги дастурга кўра, яқин йиллар ичида қарийб ўн беш минг бола учун мўлжалланган қирқта янги мусиқа ва санъат мактаби барпо этилиб, олтмишга яқини капитал таъмирдан чиқарилади. Анжуманда қайд этилганидек, мазкур дастур ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишида қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Ундан кўзланган асосий мақсадлардан бири болалар ахлоқий тарбиясининг яхлит тизимини шакллантириш, уларнинг ижодий салоҳиятини янада ривожлантиришдан иборат.

Матбуот анжумани сўнгида халқаро танлов ва фестивалларда юқори ўринларга сазовор бўлган ёш истеъдодлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Жамила ХЎЖАЕВА,
Консерватория талабаси

* * *

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий кенгашида шу йил давомида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда ташкил этиладиган оммавий тадбирлар, фестивал ҳамда кўрик-танловлар режаси билан танишиш, бирлашма ижодкорлари олдида турган асосий вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бирлашма қошида тузилган Бадиий кенгаш аъзоларининг бевосита иштирокида ўтган тадбирда соҳа мутахассислари, етакчи ижодкорлар амалга ошириладиган ишларга тайёргарлик кўриш, ижодий тадбирлар савияси, йўналиши ва мазмуни борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, йиғилишда сўзга чиққан "Булбулча" ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов, "Лазги" ансамбли бадиий раҳбари, хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров, Халқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов баркамол авлод тарбиясида мусиқанинг ўрнини ошириш, миллий санъатимиз тарғиботини кучайтириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз.

Абдураззоқ ОБРЎЙ

Пародиялар

"ТИЛИМ МЕНИНГ БИР ҚАРИЧ"

ЭСЛАШ

Эсладим...
Ўша нурли оқшомларни эсладим,
Дилга ёққан оромларни эсладим,
Бирга ўтган хуш онларни эсладим.

Бобур БОБОМУРОДнинг «Эслаш» шеъридан.

Эсладим...
Бирга юрган боғларини эсладим,
Бурним оққан чоғларини эсладим,
Ҳапчу дедим, доғларини эсладим.

Эсладим...
Изҳор этиб севги — байтимни,
Сўраганда ундан қайтимни,
Бир шапалоқ еган пайтимни.

Эсладим...
Эшигидан қанча ўтганман,
Бу ҳақда қўшиқлар биттанман,
Кейин ундан кечиб кетганман.

Эсладим...

ШОИРГА НИМА БОР КУРОРТДА?

Тингловчи тополмай кезаман,
Бордию курортда шеър ёзсам.

Усмон БЕКнинг «Шеър ёзсам» шеъридан.

Қочиблар кетади хаёллар,
Танишар эркаклар-аёллар.
Тинглашга чорласам ҳаяллар,
Бордию курортда шеър ёзсам.

Кўпчилик овқатга бўкади,
Дам олиб битини тўкади,
Ўқисам, тингламай сўкади,
Бордию курортда шеър ёзсам.

Яланғоч ётади офтобда,
Ҳаёни кўрмайсиз шу тобда,
Тезда мен чоп этай китобда,
Бордию курортда шеър ёзсам.

Иш қайнар Тошкентда, Бағдодда,
Шоирга нима бор курортда?
Усмон не, дамчи не муродда,
Бордию курортда шеър ёзсам.

Қочиб ҳай кетади хаёллар,
Танишар эркаклар-аёллар.
Тинглашга чорласам ҳаяллар,
Бордию курортда шеър ёзсам.

СИЗНИКИ

Сизга берай жонимни,
Ўзимга қолсин бу тан.
Сизга юрак қасрим ҳам,
Ўзим қолай беватан.

Иззатилла САЪДИНОВнинг «Сизга бўлсин» шеъридан.

Чақчайган шу икки кўзим,
Қайноқ паллам сизники.
Катталиги қовоқдайин,
Шу хумкаллам сизники.

Сизга бўлсин, майли, жоним,
Мана шу шўр пешонам.
Агар маъқул кўрсангиз сиз,
Шу дафтару қалам ҳам.

Мен розиман, сизга бўлсин,
Тилим менинг — бир қарич.
Чайнаб пуфак қилиб юрган,
Оғзимдаги шу сақич.

Олинг, ҳатто бурнимни сиз,
Сизники ҳар гапим ҳам.
Нима бўпти сиз қиз учун
Осилган шу лабим ҳам.

Мени хасис деб ўйламанг,
Сизга бўлсин калишим.
Эга чиқмас буларга ҳеч,
Сиздан бўлак танишим.

СИЧҚОННИ КИМ ТУТАДИ?

Ҳалво деган билан оғиз чучирму,
Ҳалводек неъматдан дарак бўлмаса?
Ёрнинг висолига етиб бўлурму,
Анинг йўлида жон ҳалак бўлмаса?

Гули САЙФУЛЛАЕВАнинг «Бўлмаса» шеъридан.

Сичқонни ким тутади,
Уйда Бароқ бўлмаса?!
Майхўр нени ичади,
Маю шароб бўлмаса?!

Қандай қилиб чўзасан,
Узун ичак бўлмаса?!
Ёрни қандай қучасан,
Катта қучоқ бўлмаса?!

Топмасдим кўп сармоя,
Тулки тери бўлмаса.
Ёзармидим киноя,
Гули шеъри бўлмаса?!

ОЙДИН ЛАҲЗАЛАР

Ёш фоторассом Назира Боймуродованинг Тошкент Фотосуратлар уйи, халқаро Маданият карвонсаройида, шунингдек, Самарқанд, Нукус, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ўндан ортиқ шахсий кўргазмаси ташкил этилган. Яқинда муаллифнинг навбатдаги шахсий фотокўргазмаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетида ташкил этилди. "Ҳаёт — лаҳзалардан иборат. Уни фотосуратларда муҳрлай олиш учун ижодкор кузатувчан бўлиши лозим. Озгина беэътиборлик туфайли такрорланмас лаҳзаларни қўлдан бой бериш мумкин", дейди Назира Боймуродова.

"Соғлом она ва бола йили"га бағишлаб ўтказилган кўргазмадан, асосан, беғубор болалик қувончлари, она диёримизнинг сўлим ва бетакрор манзаралари акс эттирилган суратлар ўрин олган. Уларда мафтункор табиат тасвирлари, қишлоқ одамларининг турмуш тарзи, ўзига хос одатлари моҳирлик билан суратга муҳрланган. Айниқса, болалар портретини яратишда муаллифнинг маҳорати яққол сезилади. Митти қалб соҳибларининг самимий табассуми, лаҳзаларда муҳрланиб қолган ҳайратларга тўла ҳаётий суратлари барчага хушнудлик улашди.

Кўргазма залларида

Вазира ИБРОҲИМОВА

ЯНГИЧА НИГОҲ

Бадиий академиянинг кўргазмалар залида Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатининг навқирон вакилларидан бири Тимур Рахметовнинг "Solo" деб номланган кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг охирги ўн йилликдаги ижодий изланишлари маҳсули бўлган рангтасвир, графика ишлари намойиш этилмоқда.

Рассом бу галги кўргазмада томошабинларни нафақат рангтасвир асарлари, балки мукаммал график ишлари билан ҳам ҳайратга солди. Унинг "Қариндошлар" тўпламида инсоннинг ички кечинмалари юз-кўзида ифода этилган бўлса, "Сўқоқ" туркумидаги манзараларда табиат қонунлари ажиб шаклларда тасвирланади. "Хайрли тонг" портретида ота-бола қиёфасида ўхшашлик, авлодлар давомийлиги, турли-туман натюрмортларида ҳаётий воқеалар мужассам.

Мазкур кўргазма рассомнинг ижодий имкониятлари кенгайиб, маҳорати ошиб бораётганидан дарак беради.

"ЎЗБЕККИНО" МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

турли жанрлар бўйича бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларга мўлжалланган адабий сценарийлар ва кенгайтирилган синопсислар учун танлов эълон қилади.

Танловга юбориладиган адабий сценарийларда қуйидаги ғоялар ишонарли ва юқори бадиий савияда акс эттирилиши лозим:

— юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ижтимоий-маърифий жабҳаларда рўй бераётган улуғвор ўзгаришлар;

— миллатимизга хос эзгу фазилатлар, шунингдек, чуқур тарихий илдизларга эга бўлган қадриятларимиз улуғворлиги;

— ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришлари, ватанпарварлик ва халқпарварлик тушунчаларини, умумбашарий ва миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини теран англаб етиши учун хизмат қиладиган ибратли ҳаётий сабоқлар;

— азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оиланинг ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини эканлиги;

— ўзбек халқига хос бўлган кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш сингари эзгу қадриятлар, шунингдек нуроний отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёти акс эттирилган бўлиши;

— она Ватан ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган, адолат ва эзгуликни мардона ҳимоя қилаётган, ёвузлик ва хиёнатга муросасиз, эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли ва ғурури баланд замондошлар образи ўз ифодасини топиши лозим.

Шунингдек, ўзининг эзгу фазилатлари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган замондошларимиз сиймоси акс эттирилган ҳамда бой маданий-тарихий меросимиз, халқ оғзаки ижоди (эртаклар, масаллар, достонлар, маталлар) намуналари асосида ёзилган, шу билан бирга болаларбоп мавзулардаги адабий сценарийлар, кенгайтирилган синопсислар ҳамда "Зумраша" болалар юмористик киножурналига болалар учун тарбиявий аҳамиятга эга, қувноқ сюжетлар ҳам танловга қабул қилинади.

Тақдим этиладиган адабий сценарийлар ва кенгайтирилган синопсислар замонавий талаблар даражасида, юқори профессионал маҳорат билан ёзилиши, уларда миллий руҳ ва миллий қадрият, зиддиятлар, психологик ҳолатлар ҳаққоний ва тўлаконли акс эттирилиши, персонажлар тили жонли ва тўкис бўлиши, сюжет, композицион қурилишда, драматизм ва воқеа-ҳодисалар ривожида мувозанат сақланиши лозим.

Танловда кинодраматурглар, ёзувчи-шоирлар билан биргаликда киносценарий ёзиш талаб-қоидаларидан бохабар ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов 2016 йил 30 августга қадар давом этади. Ғолиб деб топилган адабий сценарийлар ва кенгайтирилган синопсислар бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар суратга олиш учун тавсия этилади.

Адабий сценарийлар ва кенгайтирилган синопсислар белгиланган тартибда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш идораси томонидан рўйхатга олинган бўлиб, ўзбек тилида, икки нусхада, компьютер ёки машинкада А-4 форматда, 1,5 интервалда кўчирилган бўлиши лозим. Танловга юбориладиган бадиий фильмлар адабий сценарийларининг ҳажми 40 саҳифадан, кенгайтирилган синопсисларнинг ҳажми 10 бетдан, мультфильм адабий сценарийларининг ҳажми 16 саҳифадан, ҳужжатли фильмлар сценарийларининг ҳажми 8 саҳифадан, "Зумраша" болалар юмористик киножурналига мўлжалланган сюжетларнинг ҳажми 4 саҳифадан ошмаслиги керак. Мазкур талабларга жавоб бермайдиган сценарийлар ўқиб-ўрганилмайди.

Адабий сценарийлар ва кенгайтирилган синопсислар Агентликнинг tanlov@uzbekkino.uz электрон манзили орқали электрон шаклда ҳам юборилиши мумкин. Адабий сценарийлар ва кенгайтирилган синопсислар Танлов комиссиясига юборилаётгани қайд этилиши лозим.

Тақдим этилган адабий сценарийлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 239-49-56, 245-81-21, 227-48-10.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, "Ўзбекистон" шоҳ кўчаси-98. Инд.:100027 www.uzbekkino.uz

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

УМБЕРТО ЭКО АТИРГУЛЛАРИ

Италиялик машҳур ёзувчи, файласуф ва олим Умберто Эко (1932-2016) "Атиргул номи", "Фуко маёғи", "Яқиндаги орол", "Прага мозори" сингари фалсафий романларию "Ўрта асрлар эстетикаси эволюцияси", "Жойс поэтикаси", "Адабий ўрмонлардаги олти сайр", "Европа маданиятида мукаммал тилни излаб" номли қизиқарли илмий рисолалари ва публицистик асарлари билан шуҳрат қозонган. Постмодерн адабиётининг ёрқин интеллектуалларидан бири сифатида эътироф этилувчи Эко узоқ йиллар давомида Милан, Флоренция, Турин университетларида эстетика ҳамда маданият назариясидан маърузалар ўқиган. Янги йилнинг 5 январида саксон тўрт ёшни қаршилаган машҳур ёзувчи бугун орамизда йўқ, аммо бизга қолдирган бой ижодий ва илмий мероси ҳамон барҳаёт. Қуйида эътиборингизга ёзувчини дунёга танитган дастлабки асари — "Атиргул номи" романига шарҳ сифатида муаллифнинг ўзи томонидан битилган "Атиргул номи" майдонидаги қайдлар" китобидан иқтибосларни ҳавола этамиз. Ушбу фикр-мулоҳазалар ўзига хос услубга эга ижодкорнинг ички дунёсини, адабиётга, бадиий асарга муносабатини ифодалайди.

◆ "Атиргул номи"ни ёзишга киришаётиб, Арасту "Поэтика"сининг комедияга бағишланган йўқолган қисми айнан қандай мазмунга эгалигини билмасдим. Китобни ёзиш жараёнида эса уни тасаввур қила бошладим.

◆ Нашриётдаги дўстларим қўлёзмамни ўқиб чиқиб, дастлабки юз саҳифани қисқартиришни таклиф қилишди, уларнинг назарида бу жиддий ва зерикарли бўлиб кўринган. Мен шу заҳотиёқ рад этдим. Чунки черковга кўчиб келиб, бу масканда етти кун яшамоқчи бўлган одам, аввало, унинг руҳиятига кириш лозимлигига ишончим комил эди. Агар буни уддалай олмаса, демак, менинг китобимни ўқиб чиқишга кучи етмайди. Дастлабки юз саҳифанинг сараловчи, синовдан ўтказувчи хусусияти шунда.

◆ Агар ёзувчи (умуман санъаткор) ижод жараёнида қоидалар ҳақида ўйламаганини таъкидласа, бу ёзувчи аслида қоидалардан хабардорлигини билмаслигини англатади. Жажжи болакай ҳам она тилида бурро сўзлаша туриб, унинг грамматик қоидаларини тушунтириб беролмаслиги мумкин.

◆ Ижод жараёни ҳақидаги энг яхши саҳифалар ўртамиёна рассомлар томонидан битилган. Улар санъат асарларида юксак чўққига эришишмаган, бироқ ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида аъло даражада мушоҳада юритишган: Вазари, Горацион Гринуф, Аарон Копленд...

◆ Фақат келажак авлодлар учун тер тўкадиган ёзувчилар бўладими? Барча ишонтиришларга қарамай айтаманки, бўлмайди. Биз Нострадамуслар эмасмиз. Келажак авлоднинг идеал ўқувчиси ҳақида тасаввурга эга эмасмиз. Биз фақат ўз замондошларимизни биламиз. Озчилик учун қалам тебратадиган ёзувчилар борми? Ҳа, бор. Улар ўзлари истаган идеал ўқувчи кўпчилик ўқувчиларда бўлмаган ноёб сифатларга эгалигини тушунишади. Аммо уларнинг қалбида шундай бир умид яшайдики, уни сира яширишмайди — эҳтимол, айнан у яратган асар чекига янги типдаги идеал ўқувчиларнинг кўплаб авлодини дунёга келтириш тушгандир.

◆ "Агар роман омма истаган нарсани берса, муваффақият қозонади" мазмунидаги фикр "роман муваффақият қозонган бўлса, демак, омма истаган нарсани беради", деган хулосани бермайди.

◆ Прозада ритмни алоҳида жумлалар эмас, уларнинг йиғиндилари яратади. Баъзи романлар худди оҳудек нафас олса, баъзилари кит ёки филга ўхшайди.

◆ Тинчлик бермас хаёллар бор; уларнинг эгаси бўлмайди; барча китоблар бир-бири билан суҳбатлашади, ҳақиқий суд тергови эса айбдор биз эканимизни исботлаши лозим.

◆ Менинг мақсадим — ҳеч нимани тушунишга қодир бўлмаганларга барча нарсани сўз орқали тушунтириб бериш.

◆ Барча китобларда бошқа китоблар ҳақида сўз юритилади, ҳар қандай тарихда аввал сўзланган тарих ҳақида ҳикоя қилинади.

◆ Китобни якунлагандан сўнг муаллиф ўз битиклари йўлидаги тўсиққа айланмаслик учун ҳаётдан кўз юмгани маъқул.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди —18.55

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 7721. Буюртма S — 5256. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X